Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 257 — 258 (5848—5849).

9 Ноябрь 1985 й.

ШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 5 тийин

*Бугун СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986–1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси эълон қилинмоқда. Лойиҳа КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленумида маъқулланган ва Пленум қарорига мувофиқ умумхалқ муҳокамасига қўйилмоқда. Асосий йўналишлар лойиҳасини муҳокама қилиш якунлари уни КПСС XXVII съездида узил-кесил кўриб чиқиш ва тасдиқлаш пайтида эътиборга олинади.*

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**

ЛОЙИҲА

# СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимиз тарихан қисқа муддатларда асрий қолоқликдан ижтимоий тараққиёт чўққиларига кўтарилди, турмушнинг ҳамма соҳаларида жуда катта муваффақиятларга эришди. Совет жамияти ривожланган социализм босқичига кирди.

Совет кишилари авлодларининг меҳнати билан қудратли иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий потенциал барпо этилди. Эндиликда СССРнинг юқори малакали кадрлари бор, у қудратли индустрияга, механизациялашган йирик қишлоқ хўжалигига, ҳар тарафлама ривожланган инфраструктурага эга бўлиб қолди. Фан ва техника тараққиётининг кўп соҳаларида мамлакатимиз дунёда етакчи позицияларни эгаллаб турибди. Аҳолининг фаровонлиги муттасил ўсмоқда, социалистик турмуш тарзи такомиллашмоқда, социал адолат принципи тобора тўлароқ рўёбга чиқарилмоқда.

Капиталистик тузумга хос бўлган кризислар, қашшоқлик ва ишсизлик, синфий ва миллий адоват ўтмишда абадул-абад қолиб кетди. Одамларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами, ҳақиқий демократия қарор топди. Хўжалик планли системасининг, халқ социалистик ўз-ўзини бошқарувининг афзалликлари, меҳнаткаш омманинг ижодий имкониятлари тобора тўла-тўкис намоён бўлмоқда. Тинчлик ва социал тараққиёт таянчи— қардош социалистик мамлакатларнинг ҳамдўстлиги мустаҳкамланмоқда.

Коммунистик партия Ленин васиятларига муттасил амал қилиб, совет халқини мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ишлаб чиққан концепция асосида социализмни такомиллаштириш, совет жамиятини коммунизм сари янада олға силжитиш йўлидан комил ишонч билан бошлаб бормоқда.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари КПСС программавий мақсадларини амалга оширишнинг конкрет план топшириқларини белгилайди.

## I. 1981—1985 ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ

КПСС XXVI съездининг қарорларини бажариш жараёнида совет кишиларининг фаровонлигини оширишда, экономиканинг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда янги катта қадам қўйилди.

Мамлакатнинг иқтисодий қудрати анча ўсди. Миллий даромад 1980 йилга нисбатан 17 процент кўпайди. Халқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, уй-жой, социал-маданий объектлар ва бошқа объектлар қурилишига 840 миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ сарфланди. Мингтадан ортиқ янги замонавий саноат корхонаси ишга туширилди.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, мавжуд ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш соҳасидаги ишлар кучайтирилди. Машиналар, асбоб-ускуналар, аппаратлар ва приборларнинг 19 мингдан зиёд янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Кам чиқитли ва чиқитсиз, энергия ва материалларни тежовчи технология жараёнларини ва машиналар системаларини жорий этиш кенгайди.

Ишлаб чиқаришни интенсивлашда, унинг самарадорлигини оширишда ижобий натижаларга эришилди. Миллий даромадни ўстиришнинг қарийб 90 процентига ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланди, иш вақтининг зое ўтиши қисқартирилди. Моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланила бошланди.

Экономиканинг етакчи тармоғи — саноат янада ривож топди. Саноат маҳсулоти 20 процент кўпайди. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» группа) ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришдан тезроқ ўсди.

СССРнинг Энергетика программаси бажарилмоқда. Атом энергетикаси жадал ривожланди, мамлакатда ҳосил қилинаётган жами электр энергиянинг ўндан бир қисми атом энергетикасининг улушига тўғри келмоқда. Илгари нефть қазиб чиқариш соҳасида дунёда биринчи ўринни эгаллаб келган Совет Иттифоқи шу беш йилликда газ қазиб олиш соҳасида ҳам биринчи ўринга чиқди. 48 минг километр узунликдаги магистрал газ қувурлари ва уларнинг шохобчалари қурилди.

Партиянинг аграр сиёсати турмушга оғишмай татбиқ этилмоқда, СССРнинг Озиқ-овқат программаси изчиллик билан амалга ошириб келинди. Жами капитал маблағларнинг учдан бир қисми колхоз ва совхозларнинг, бутун агросаноат комплексининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга сарфланди. Колхоз ва совхозларнинг экономикаси мустаҳкамланмоқда. Корхона ва ташкилотларнинг, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ривож топмоқда. Қишлоқда уй-жой ва социал-маданий объектлар қурилиши юқори суръатлар билан амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини етиштириш ва харид қилиш кўпайди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 6 процент кўпайиб, 131 миллиард сўмликка етди. Гўшт етиштириш ўнинчи беш йилликка нисбатан 10 процент, тухум етиштириш 18 процент ошди. Сабзавот ва мева ҳосили олиш анча кўпайди.

Транспортнинг юк обороти 15 процент ўсди. Сибирь ва Узоқ Шарқни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган Байкал-Амур темир йўли магистралида поездларнинг иш қатнови бошланди.

Экономикани юксалтириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражаси ўсди. Реал даромадлар аҳоли жон бошига 11 процент кўпайди.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 13 процент ошиб, 1985 йилда 190 сўмга етди. Жамоат хўжалигида колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 29 процент кўпайиб, ойига 150 сўмдан ошди.

Меҳнат ҳақи соҳасида муҳим марказлаштирилган тадбирлар ўтказилди. Кўмир саноати ишчи ва хизматчиларининг, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари анчагина қисмининг иш ҳақи кўпайтирилди. Халқ маорифи ходимларининг иш ҳақини кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирлар амалга оширилмоқда. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг бир қанча категориядаги ходимлари учун қўшимча имтиёзлар белгиланди. Темир йўл ва дарё транспортида, пудратчи қурилиш ташкилотларида ва бошқа баъзи тармоқларда узоқ йил ишлаганлик учун ҳақ тўлаш жорий этилди. Шу тадбирларнинг бажарилиши натижасида 20 миллиондан ортиқ кишининг меҳнат ҳақи ошди.

Ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар 25 процент кўпайиб, 1985 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда салкам 530 сўмга етди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг моддий-маиший шароитлари яхшиланди. Ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар пенсияларининг минимал миқдорлари оширилди. 10 йилдан кўпроқ вақт муқаддам пенсияга чиққан ишчи ва хизматчилар катта группасининг пенсияси кўпайтирилди. Узлуксиз иш стажи учун пенсияларга қўшимча устамалар жорий қилинди.

Болалари бўлган оилаларга ва ишловчи оналарга ёрдам бериш юзасидан катта-катта тадбирлар амалга оширилди. Оналарга боласи бир ёшга етгунча уни боқиш учун қисман ҳақ тўланадиган отпуска жорий этилди, чақалоқ туғилиши муносабати билан бир йўла бериладиган нафақалар кўпайтирилди.

Мактабгача тарбия муассасаларида ва мактаб-интернатларда овқат харажати нормалари оширилди. Умумий таълим мактабларининг ўқувчиларини дарсликлар билан бепул таъминлаш жорий этилди.

Аҳоли ўртасида илгари обуна тарзида тарқатилган давлат заёмларининг ҳақи ҳар йили тўлаб борилди.

Аҳолининг кўпгина моллар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлари тўлароқ қондирила бошланди. Сабзавот, мева, тухум, гўшт ва энг зарур бошқа хил озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўпайди. Чакана товар обороти 16 процент ошди, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми эса учдан бир ҳисса кўпайди.

Уй-жой проблемаси изчиллик билан ҳал этилмоқда. Жами саҳни 550 миллион квадрат метрдан ортиқ уйлар фойдаланишга топширилди, бу эса 50 миллиондан ортиқ кишининг уй-жой шароитларини яхшилаш имконини берди. Турар жойларнинг ободонлик даражаси ошди.

Медицина хизмати, аҳолининг дам олиш шароити яхшиланди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида катта тадбирлар ўтказилди.

Халқ маорифи системаси ривожланди, умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳоти амалга оширила бошланди.

Маданият ва санъат ривож топди. Маданий-маърифий муассасаларнинг, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг фаолияти такомиллаштирилди.

Иттифоқдош республикаларнинг экономикаси планли равишда ўсди, улардан ҳар бирининг умумдавлат вазифаларини ҳал этишга қўшаётган ҳиссаси ошди. Катта-катта территориал-ишлаб чиқариш комплексларини вужудга келтириш ва ривожлантириш давом эттирилди. Мамлакат шарқий ва шимолий районларининг табиий бойликлари жадал ўзлаштирилди. Ҳозир Ғарбий Сибирь бутун Иттифоқда қазиб олинаётган нефтнинг учдан икки қисмини ва газнинг ярмидан кўпроғини бермоқда.

Бошқарувни ва хўжалик юритишни такомиллаштириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш тадбирлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Саноатда, қишлоқ хўжалигида ва бошқа тармоқларда бирлашма ва корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини кенгайтиришга ва масъулиятини кучайтиришга, шу асосда ишлаб чиқаришнинг янада юксак пировард натижаларига эришишга қаратилган иқтисодий экспериментлар амалга оширилмоқда. Хўжалик ҳисоби мустаҳкамланмоқда. Меҳнатни коллектив тарзда ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг, аввало бригада пудратига асосланган, самарали форма ва методлари оммалаштирилди.

Хўжалик ва маданий қурилишда халқ депутатлари Советларининг, касаба союзлари ва комсомолнинг роли ошди. Меҳнаткашларнинг бошқарувдаги иштироки кенгайтирилди, меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонуни қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Омманинг меҳнат ғайрат-шижоати кучайди, социалистик мусобақанинг ташкил этилиши такомиллаштирилди.

Мамлакатимиз халқаро меҳнат тақсимотида тобора активроқ қатнашмоқда. Совет Иттифоқининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ва бошқа социалистик давлатлар билан ҳамкорлиги анча мустаҳкамланди, социалистик иқтисодий интеграция чуқурлаштирилди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Иқтисодий кенгаши қарорларида кўзда тутилган тадбирлар амалга оширилди.

Ташқи савдо обороти кўпайди, иқтисодий алоқалар кенгайди. Ҳозир СССР 145 мамлакат билан савдо-сотиқ қилмоқда.

Шу билан бирга халқ хўжалигини ривожлантиришда тараққиёт суръатларининг секинлашуви рўй берди. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш, ишлаб чиқариш структурасини, бошқариш ва хўжалик юритиш методларини қайта қуриш белгиланганидан кўра секинроқ амалга оширилди. Ишлаб чиқаришда янги техника ва технология етарли суръатлар билан ўзлаштирилмади. Кўпгина маҳсулотларнинг, шу жумладан халқ истеъмол молларининг техникавий даражаси ва сифати замонавий талаблардан орқада қолмоқда. Маҳсулот етказиб бериш соҳасида шартнома интизомини бузишга йўл қўйилди. Баъзи республикалар, министрликлар, бирлашма ва корхоналар ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот ва ишлар таннархи, моддий ресурсларни иқтисод қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бўйича беш йиллик планида белгиланган марраларга ета олмадилар. Аҳолини баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қийинчиликлар мавжуд.

Халқаро вазият кескинлашганлиги муносабати билан СССР халқимизнинг тинч турмушини гарантиялаш учун ўзининг мудофаа қобилиятини муносиб даражада сақлаш мақсадида қўшимча куч-ғайратлар сарфлашга мажбур бўлди.

Умуман, ўтган беш йиллик якунлари мамлакатимиз иқтисодий ва социал ривожланишнинг ҳамма йўналишларида олға силжиганлигидан далолат беради.

## II. 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Бизнинг мамлакатимиз бошлаётган ўн беш йиллик социализмни такомиллаштириш, коммунизмни қуриш йўлидаги муҳим тарихий даврдир.

**Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил ошириш партия иқтисодий стратегиясининг олий мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Келгуси даврда шу мақсаднинг рўёбга чиқарилиши фан-техника тараққиёти негизида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришни, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш ва унинг самарадорлигини оширишни талаб қилади.** Ишлаб чиқарувчи кучларни ва ишлаб чиқариш муносабатларини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш, фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш, экономикани ривожлантиришни стратегик йўналишларда тезроқ олға силжитишни таъминлаш, ўз миқёслари жиҳатидан ўтган йилларнинг ҳаммаси мобайнида орттирилган ишлаб чиқариш потенциалига тенг келадиган ишлаб чиқариш потенциалини барпо этиш лозим.

Шунга асосланиб 2000 йилгача бўлган даврда:

**аҳоли барча табақалари ва социал группаларининг фаровонлигини янада юксалтириш, одамларнинг меҳнати соҳасида ва турмуш шароитида чуқур ўзгаришлар қилиш таъминлансин.** Экономика ривожининг социал йўналиши, унинг шахсни ҳар томонлама уйғун камол топтириш учун энг яхши шароитлар яратишга, социалистик турмуш тарзини мустаҳкамлашга қаратилиши кучайтирилсин.

Кенг кўламдаги социал программа амалга оширилсин. Реал даромадлар аҳоли жон бошига 1,6—1,8 баравар кўпайтирилсин.

Ҳалол, юқори сифатли меҳнатнинг, касб-кор маҳоратининг ижтимоий обрў-эътибори оширилсин. Меҳнат унумдорлиги ўсган сайин меҳнат ҳақи ошириб борилсин ва унга ҳақ тўлаш шакллари такомиллаштирилсин. Меҳнат коллективларини ва айрим ходимларни маънавий рағбатлантиришни кучайтиришга биринчи даражали эътибор берилсин. Ҳар бир киши умумманфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилиш зарурлигини англайдиган, меҳнат натижалари учун жамият олдида шахсан масъуллигини сезадиган қилиб активроқ тарбиялансин.

Аҳоли иш билан тўла ва оқилона таъминлана борсин. Меҳнат шароитлари анча яхшилансин, қўл меҳнатининг янада тезроқ камайтирилишига ҳаракат қилинсин ва унинг ишлаб чиқариш соҳасидаги улуши 15—20 процентгача озайтирилсин. Барча гражданларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва қўлланиш имкониятлари кенгайтирилсин.

Совет кишиларининг юқори сифатли ва хилма-хил моллар ҳамда хизматларга доимо ошиб бораётган эҳтиёжлари янада тўла-тўкис қондириб борилсин. Анчагина моллар бўйича озиқ-овқат маҳсулотларини ва асосий ноозиқ-овқат молларини оқилона истеъмол қилишнинг илмий асосланган нормалари даражасига эришилсин, бошқа моллар бўйича эса шу даражага жуда яқинлашиб борилсин. Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти ҳажми тахминан 1,8 баравар кўпайтирилсин. Юксак даражада ривожланган хизмат индустрияси барпо этилсин, шу асосда уй-рўзғор ишларига меҳнат сарфи кескин қисқартирилсин. Истеъмол маданиятини оширишга, социалистик турмуш тарзига мос келадиган ва шахснинг уйғун равишда камол топишига муносиб бўлган оқилона эҳтиёжларни шакллантиришга, инсоннинг маънавий талаб-эҳтиёжларини юксакликка кўтаришга кўмаклашилсин.

Истисносиз ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки якка тартибдаги уй билан таъминлаш соҳасидаги энг муҳим социал вазифа изчиллик билан ҳал этилсин. Жами саҳни камида 2 миллиард квадрат метр келадиган уй-жой бинолари фойдаланишга топширилсин. Шаҳар ва қишлоқларнинг ободончилиги, уй-жой фондининг сақланиши яхшилансин.

Бепул халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот умумдавлат системаларини янада ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар дам олиш шароитларини яхшилашнинг муҳим воситаси бўлмиш ижтимоий истеъмол фондларини жадал ўстириш йўли давом эттирилсин. Шу фондларнинг ҳажми тахминан икки баравар кўпайтирилсин.

Мамлакат турли регионларининг хусусиятларини тўлиқроқ эътиборга оладиган демография сиёсати ўтказилсин. Аҳолининг умрини ва меҳнат активлигини узайтиришга, оилани мустаҳкамлашга, ёш авлодни тарбиялаш, аёлларнинг оналикни меҳнат ва жамоат фаолиятида актив қатнашиш билан қўшиб олиб бориши учун қулайроқ шароитлар яратилишига ҳар томонлама кўмаклашилсин. Болалари бўлган оилаларга ва ёш оилаларга давлат ёрдами кенгайтирилсин ва такомиллаштирилсин.

(Давоми 2-бетда).

# СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Уруш ва меҳнат ветеранларининг, кекса гражданларнинг, инвалидларнинг моддий таъминоти ва уларга социал-маиший хизмат кўрсатилиши даражаси оширилсин. Ишлашни хоҳловчи пенсия ёшидаги кишиларга ижтимоий меҳнатда қатнашиш учун қулайроқ имкониятлар яратиб берилсин. Пенсия таъминоти системаси такомиллаштирилсин, бу тадбир жумладан, пенсияларнинг минимал миқдорларини ошириш, колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг социал таъминот шарт-шароитлари ва даражаларини бир-бирига аста-секин яқинлаштириш йўли билан амалга оширилсин.

Совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари системаси ўтказилсин. Медицина хизматининг сифати муттасил оширилсин, аҳолини ёппасига диспансер кўригидан ўтказиш амалга оширилсин. Она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш тадбирлари кучайтирилсин. Соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек санаторийлар, дам олиш уйлари, пансионатлар, туризм ташкилотлари тармоқлари жадал ривожлантирилсин, улардаги хизмат кўрсатиш даражаси оширилсин.

Аҳолининг саводхонлик даражаси ва маданияти юксалиши таъминлансин, унинг маънавий эҳтиёжлари тўлиқроқ қондирилсин. Совет кишиларини, айниқса ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш кучайтирилсин. Миллий маданий меросни сақлаш ва кўпайтириш соҳасидаги, Ватан ва жаҳон тарихи ҳамда маданияти ёдгорликларини авайлаб асраш ишлари активроқ олиб борилсин.

Умумий таълим мактабининг фаолияти, ҳунар-техника таълими системаси такомиллаштирилсин, махсус ўрта ва олий таълим ривожлантирилсин. Мутахассислар тайёрлаш, кадрларнинг, аввало фан-техника тараққиёти билан боғлиқ бўлган янги ихтисослардаги кадрларнинг малакасини ошириш сифати яхшилансин.

Ҳамма категориядаги аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш формалари ва ташкил этилиши яхшилансин. Ходимларнинг меҳнат ҳиссаси ошишини эътиборга олиб, ҳақ тўланадиган отпускалар муддати кўпайтириб борилсин. Коллектив боғдорчилик ва томорқачилик кенг ривожлантирилсин.

Физкультура ва спортнинг оммавий ривожланиши рағбатлантирилсин, ҳамма жойда физкультура ва спортнинг турмушга татбиқ этилишига кўмаклашилсин.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш иши сабот билан олиб борилсин.

**Ишлаб чиқариш устун даражада ривожланишнинг интенсив йўлига ўтказилсин, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг тубдан ошишига эришилсин ва шу асосда иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллаштирилсин.** Мамлакатнинг миллий даромади қарийб 2 баравар кўпайтирилсин.

Миллий даромадни ва моддий ишлаб чиқариш барча тармоқлари маҳсулотини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ўстириш таъминлансин. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги 2,3-2,5 баравар оширилсин, шу кўрсаткич юзасидан жаҳон миқёсида юксак даражага эришишдан иборат программ вазифани амалга оширишда ҳал қилувчи қадам қўйилсин.

Ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлмиш иқтисод режими изчиллик билан кучайтирилсин. Ресурсларни тежаш халқ хўжалигининг ошиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг ҳал қилувчи манбаига айлантирилсин. Ёқилғи, энергия, хом ашё ва материалларга эҳтиёж ўсишининг 75-80 процентни уларни тежаш ҳисобига қондирилишига эришилсин. Миллий даромад учун сарф бўладиган энергия ҳажми камида 1,4 баравар ва металл ҳажми қарийб 2 баравар камайтирилсин. Табиий ва моддий ресурслардан комплекс фойдаланилсин, исрофгарчиликлар ва ўринсиз харажатлар имкони борича тугатилсин. Иккиламчи ресурслар, шунингдек йўлдош маҳсулотлар хўжалик оборотига кенг жалб этилсин.

Капитал маблағ самарадорлиги оширилсин, бу маблағ энг устун йўналишларга ва аввало ишлаб чиқаришнинг асосий фондларини янгилашга жамлансин, корхоналарни техника жиҳатдан қайта қуроллантиришга ва реконструкциялашга сарфланаётган маблағлар улуши анча кўпайтирилсин, капитал маблағларнинг ўрни қопланиш муддатлари қисқартирилсин.

Ишлаб чиқаришнинг асосий фондларидан фойдаланиш яхшилансин, қувватлар ва асбоб-ускуналарнинг иш билан тўла-тўкис таъминланишига, фондларнинг самарадорлигини оширишга ҳаракат қилинсин.

**Фан-техника тараққиётини ҳар томонлама жадаллаштириш, унинг натижалари ишлаб чиқаришга ва бошқарувга, хизмат соҳасига ва турмушга ҳамма жойда татбиқ этилиши таъминлансин.**

Халқ хўжалиги фан, техника ва технологиянинг илғор марраларига олиб чиқилсин. Фан-техника тараққиётини амалга оширишнинг социализмга хос форма ва методларидан самаралироқ фойдаланилсин. Фан билан ишлаб чиқаришнинг интеграцияси кучайтирилсин, илмий кашфиётларни, техника янгиликлари ва ихтироларни ишлаб чиқиш ҳамда халқ хўжалигида ўзлаштиришни ташкил этиш яхшилансин ва муддатлари қисқартирилсин.

Маҳсулот ва хизматларнинг сифати Ватанимиздаги ва дунёдаги энг яхши ютуқлар даражасига кўтарилсин.

Мамлакат **ягона халқ хўжалик комплексининг** илдам ва пропорционал ривожланиши, унинг ҳамма бўғинлари самарали ўзаро баҳамжиҳат ишлаши таъминлансин. Халқ хўжалиги структурасида прогрессив ўзгаришлар амалга оширилсин.

Фан-техника тараққиётини ва социал вазифаларнинг ҳал этилишини белгиловчи тармоқлар ҳамда ишлаб чиқаришлар илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш камида 2 баравар кўпайтирилсин.

Мамлакат экономикасининг пойдевори — халқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашнинг негизи бўлмиш оғир индустрия муттасил мустаҳкамлансин.

Машинасозликни ривожлантириш анча жадаллаштирилсин. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техника даражаси тубдан оширилсин. Меҳнат унумдорлигини кўп марталаб ошириш ва моддий харажатларни анча камайтириш имконини берадиган янги туркум техникани яратиш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш таъминлансин. Машинасозлик ишлаб чиқаришнинг моддий ва илмий-техникавий базаси мустаҳкамлансин.

Ёқилғи-энергетика комплекси самаралироқ ривожлантирилсин, СССРнинг Энергетика программаси амалга оширилсин. Мамлакатнинг ёқилғи-энергетика балансини яхшилаш мақсадида атом электр станцияларида электр энергия ҳосил қилиш камида 5-7 баравар ва газ қазиб олиш 1,6-1,8 баравар кўпайтирилсин. Қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан кенгроқ фойдаланилсин.

Металлургияда, химия саноатида ва конструкцион материаллар ишлаб чиқарувчи бошқа тармоқларда чуқур сифат ўзгаришлари таъминлансин. Металл маҳсулотлар, принципиал янги химиявий материаллар, қурилиш материаллари ва бошқа янги материаллар энг тежамли турларининг хиллари, уларни ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

СССРнинг Озиқ-овқат программасида белгиланган йўл —мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва қишлоқларни социал жиҳатдан қайта қуриш йўли изчиллик билан ўтказилсин. Агросаноат комплекси тармоқлари жадал ва пропорционал ривожлантирилсин, шу мақсадларга ажратиладиган ҳамма турдаги ресурсларнинг самарадорлиги оширилсин. Комплекс механизациялаш, химиялаш, электрлаштириш, ерларни мелиорациялаш, интенсив технологияларни кенг жорий этиш йўли билан қишлоқ хўжалигини индустриал негизга ўтказиш ниҳоясига етказилсин. Барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини анча оширишга эришилсин, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барқарорлиги таъминлансин, унинг табиий-иқлим шароитларига қарамлиги имкони борича камайтирилсин.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг Комплекс программаси амалга оширилсин. Ноозиқ-овқат моллар ишлаб чиқариш камида 1,8-1,9 баравар ва аҳолига кўрсатиладиган хизмат ҳажми 2,1-2,3 баравар кўпайтирилсин.

Капитал қурилиш сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилсин. Қурилиш ишларини тубдан яхшилашга, ишларнинг сифатини анча оширишга ва таннархини камайтиришга эришилсин, илғор усуллар активроқ жорий этилсин, қурилишни ташкил қилиш такомиллаштирилсин, лойиҳа ечимларининг самарадорлиги оширилсин. Объектларни қуриш ва реконструкция қилиш муддатлари яқин ўн йил ичида 1,5-2 баравар қисқартирилсин.

Транспорт ҳамда электр, нефть ва газ таъминоти, алоқа, моддий-техника таъминоти системаси ва ишлаб чиқариш инфраструктурасининг бошқа тармоқлари янги техника асосида жадал ривожлантирилсин.

**Барча иттифоқдош республикаларнинг уйғун равишда иқтисодий ва социал ривожланиши таъминлансин.** Республикалар ва иқтисодий районлар хўжаликларининг комплекс ривожланиши ва ихтисослашуви кучайтирилсин, уларнинг мамлакат ягона халқ хўжалиги комплексини мустаҳкамлашга ва социал вазифаларни ҳал этишга қўшадиган ҳиссаси кўпайтирилсин.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш такомиллаштирилсин.

**Чет эллар билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантирилсин. Халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан, биринчи навбатда, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликдан тўлароқ фойдаланилсин.**

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни янада ҳар томонлама ривожлантириш амалга оширилсин. Социалистик иқтисодий интеграция тобора юқори поғонага кўтарилсин, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш, ҳамкорликнинг янги, самарали формалари ривожлантирилсин. 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш программаларини Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан биргаликда икки томонлама ва кўп томонлама асосда изчиллик билан амалга ошириш кўзда тутилсин. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган фан-техника тараққиёти қўшма Комплекс программаси турмушга оғишмай татбиқ этилсин.

Ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик кенгайтирилсин. Манфаатдор капиталистик давлатлар билан иқтисодий ўзаро алоқалар ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантирилсин.

**Бошқарув комплекс равишда такомиллаштирилсин, социалистик планли системанинг афзалликлари ва имкониятларидан яхшироқ фойдаланилсин.**

Социалистик бошқарувнинг энг асосий ленинча принциплари ва аввало демократик централизм изчиллик билан турмушга сингдирилсин ва ривожлантирилсин. Марказий органларнинг бутун куч-ғайрати ижтимоий ишлаб чиқаришнинг умумдавлат, тармоқлараро ва регионлараро проблемаларини ҳал этишга қаратилсин.

СССР ва иттифоқдош республикалар халқ хўжалиги тармоқларини **бошқаришнинг ташкилий структураси такомиллаштирилсин.**

Бошқарувнинг иқтисодий методлари роли, бирлашма ва корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги ҳамда иқтисодий масъулияти оширилсин. Хўжалик ҳисобини янада ривожлантириш таъминлансин, **молия-кредит воситалари ва нарх системасининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири** кучайтирилсин. Сўмнинг барқарорлиги оширилсин, мамлакатдаги пул муомаласи такомиллаштирилсин.

Социалистик халқ ҳокимиятининг энг муҳим формаси — халқ депутатлари Советларининг хўжалик ва социал-маданий қурилишдаги роли кучайтирилсин. Меҳнаткашларнинг бошқарувдаги иштироки кенгайтирилсин.

Ўртага қўйилган вазифаларнинг амалга оширилиши совет жамиятини иқтисодий ва социал тараққиётнинг янада юқори поғонасига кўтаришни таъминлайди, СССР учинчи минг йилликка янада қудратли ривожланган давлат бўлиб қадам қўяди ва ўз ютуқлари билан жаҳон тараққиёти жараёнига тобора кучлироқ прогрессив таъсир ўтказаверади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 21-24 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш («А» группа) 20-23 процент ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» группа) 22-25 процент кўпайтирилсин.

Саноатнинг қайта ишлаш тармоқлари илдам суръатлар билан ривожлантирилсин. Ёқилғи-хом ашё тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш эса 11-13 процент кўпайтирилгани ҳолда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 25-28 процент оширилсин. Мамлакатнинг ёқилғи ва энергияга бўлган ошиб бораётган эҳтиёжлари асосан ёқилғи-энергетика ресурсларини ҳар томонлама тежаш, атом энергетикасини, газ саноатини ва очиқ усулда кўмир қазиб чиқаришни жадал ривожлантириш ҳисобига қондирилсин.

Машинасозликни ривожлантириш анча жадаллаштирилсин, унинг техникавий даражаси оширилсин. Металлургияни реконструкциялаш ва модернизациялашнинг белгиланган программаси амалга оширилсин. Халқ хўжалигини химиялаш ва электрлаштириш суръатлари тезлаштирилсин.

СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, агросаноат комплекси тармоқларини балансли ривожлантириш, уларга ажратиладиган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини анча ошириш таъминлансин.

Капитал маблағлар биринчи галда ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишга ва техника жиҳатдан қайта қуроллантиришга сарфлансин, ишлаб чиқариш қурилишида шу мақсадга ажратилаётган капитал маблағлар улуши 50 процентгача кўпайтирилсин. Қурилиш ишларини янада индустрлаш йўли изчиллик билан ўтказилсин.

Ишлаб чиқариш инфраструктураси тармоқлари комплекс ривожлантирилсин. Халқ хўжалигининг ва аҳолининг юк ташишга ҳамда бошқа турдаги хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш яхшилансин.

Фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш структурасида ва унинг ташкил этилишида прогрессив силжишларни амалга ошириш, меҳнат, технология ва давлат интизомини мустаҳкамлаш асосида **ишлаб чиқаришни интенсивлашда бурилиш** ясалсин.

Аввало кам самарали асбоб-ускуналарни илғор, серунум асбоб-ускуналар билан тезроқ алмаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш аппаратини янгилаш жадаллаштирилсин. Ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари ёппасига ҳисоб-китоб қилиб чиқилсин. Улар актив қисмининг учдан бир қисмидан кўпроғи янгилансин. Ишлаб чиқаришнинг эскирган асосий фондларини ҳисобдан чиқариш ҳажмлари ўн биринчи беш йилликка нисбатан камида 2 баравар кўпайтирилсин.

Ҳар бир тармоқда замонавий техника ва илғор технология асосида ишлаб чиқаришни техник ривожлантириш ва янгилашнинг комплекс программалари белгиланиб, рўёбга чиқарилсин. Бирлашмалар ва корхоналарда ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш планлари ишлаб чиқилиб амалга оширилсин. Бирлашмалар ва корхоналарни техника жиҳатдан қайта жиҳозлашда ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондларининг роли оширилиб, мазкур фондларнинг маблағлари биринчи галда шу мақсадларга сарфланиши таъминлансин.

Барпо этилган ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалидан интенсивроқ фойдаланилсин. Машина-ускуналарнинг иш билан энг кўп даражада таъминланишига эришилсин, уларнинг сменалаб ишлаши анча кўпайтирилсин.

Умуман халқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги 20-23 процент, шу жумладан саноатда 23-25 процент оширилсин. Саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг, темир йўл транспортида юк ташиш ҳажми ва қурилишдаги ишлар ҳажмининг янги ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилсин. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг кўпайишига нисбатан меҳнат унумдорлигининг илдамроқ ўсиши таъминлансин.

Экономикани интенсивлашнинг ҳамда халқ хўжалиги ва аҳолининг ошиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлиқ қондиришнинг муҳим омили бўлмиш маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини тубдан ошириш биринчи даражали аҳамиятга молик иш деб ҳисоблансин.

Иқтисод режими кучайтирилсин. Ҳамма турдаги ресурсларни оқилона ва тежаб-тергаб сарфлашга, уларнинг нобуд бўлишини камайтиришга сабот билан эришилсин, ресурсларни тежайдиган ва чиқитсиз технологияларга ўтиш жадал амалга оширилсин. Ишлаб чиқаришнинг иккиламчи ресурслари ва чиқитларидан фойдаланиш анча яхшилансин, уларни қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш қувватлари ривожлантирилсин, иккиламчи хом ашёни тўплашни, шу жумладан аҳолидан тўплашни ташкил этиш яхшилансин, тайёрлов ташкилотларининг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин. Турмушда энергетика ресурслари ва бошқа ресурслардан омилкорлик билан фойдаланилсин.

1990 йилда 1985 йилга нисбатан:

умуман халқ хўжалигида —200-230 миллион тонна шартли ёқилғи миқдорида, шу жумладан атом энергетикасини ривожлантириш ҳисобига 75-90 миллион тонна шартли ёқилғи миқдоридаги органик ёқилғининг тежалиши; 12-14 миллион тонна миқдорида қора металл прокати тежалиши;

қурилишда — қора металлар прокати сарфлаш улуши 13-15 процент, цемент—8-10 процент ва ёғоч материаллар сарфлаш улуши 10-12 процент камайтирилиши таъминлансин.

Саноатдаги маҳсулот ва ишларнинг таннархи 4-5 процент, қурилишда—2-3 процент, қишлоқ хўжалигида (совхозларда)—5-7 процент камайтирилсин.

Халқ хўжалиги ресурсларининг обороти жадаллаштирилсин. Моддий-техника таъминоти умумдавлат системаси, етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги бевосита ва узоқ муддатли хўжалик алоқалари, материал ва асбоб-ускуналарнинг улгуржи савдоси ривожлантирилсин ва такомиллаштирилсин.

Аввало идишларнинг тежамли турларини ишлаб чиқаришни илдам кўпайтириш, уларни унификация қилиш ва стандартлаштириш, улардан такрорий фойдаланиш ҳисобига халқ хўжалигининг идишларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш тадбирлари комплекс амалга оширилсин.

Юксак самарали меҳнат қилиш учун янада қулайроқ шарт-шароитлар яратилсин, ишлаб чиқаришнинг санитария-гигиена шароитлари ва хавфсизлик техникаси яхшилансин, маданияти оширилсин. Меҳнатни илмий ташкил қилиш активроқ жорий этилсин, иш вақтидан оқилона фойдаланилсин. Иш жойларини планлаштириш, ҳисобга олиш, аттестациядан ўтказиш ва оқилона ташкил этишнинг ягона умумдавлат системаси вужудга келтирилсин. Айниқса юк ортиш-тушириш, омбор ишларида ва бошқа ёрдамчи ишларда қўлда бажариладиган ва оғир жисмоний меҳнат изчиллик билан камайтириб борилсин.

Тармоқ ва территориал ихтисослашуви, ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва уни комбинациялаш кенг ривожлантирилсин.

**Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада ошириш** тадбирлари системаси рўёбга чиқарилсин. Реал даромадлар аҳоли жон бошига 13-15 процент оширилиши таъминлансин. Аҳолининг молларга ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш анча яхшиланиб, тўлов қобилиятига эга бўлган ўсиб борувчи талаб структурасидаги илғор ўзгаришларга мувофиқ иш тутилсин.

Социал инфраструктура тармоқлари комплекс ривожлантирилсин. Уй-жой қурилиши миқёслари кенгайтирилсин, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг шинам уй-жой, коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиши оширилсин. Қишлоқларнинг социал жиҳатдан қайта қурилиши жадаллаштирилсин.

Ҳар бир ходимнинг халқ хўжалигини юксалтириш умумий ишига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш — белгиланган социал программани амалга оширишнинг зарур шартидир.

## III. 1986—1990 ЙИЛЛАРДА СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Келгуси ўн беш йилликнинг стратегик вазифаларини амалга оширишда ўн иккинчи беш йиллик жуда муҳим роль ўйнайди. Бу беш йиллик мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг ҳамма йўналишларида бурилиш беш йиллиги бўлиб қолиши керак.

**Ўн иккинчи беш йилликнинг бош вазифаси фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш, барпо этилган ишлаб чиқариш потенциалидан интенсив фойдаланиш, бошқарув системасини, хўжалик механизмини такомиллаштириш негизида экономикани ривожлантириш суръатлари ва самарадорлигини оширишдан ҳамда шу асосда совет халқининг фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат.**

Ўн иккинчи беш йилликда одамларнинг турмушини яхшилаш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини жўшқин ривожлантиришга эришиш ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятини лозим даражада сақлаш билан боғлиқ бўлган кенг доирадаги вазифалар айни бир вақтда ҳал этилиши керак.

Ўн иккинчи беш йилликнинг бош вазифасига асосланиб: истеъмол ва жамғарма учун ишлатиладиган **миллий даромад** 19-22 процент **кўпайтирилсин.** Миллий даромаднинг ялпи ўсиши ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлансин. Ижтимоий меҳнатга материал сарфи 4-5 процент, энергия сарфи 7-9 процент ва металл сарфи 13-15 процент камайтирилсин.

## IV. ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ИЛМ-ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Энг муҳим сиёсий ва хўжалик вазифаси ҳал этилиши таъминлансин — фан-техника тараққиёти ҳар томонлама жадаллаштирилсин. Ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатидан ўзгартиришда, экономикани ҳар томонлама интенсивлаш изига кўчиришда, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда фан ва техниканинг роли қатъиян юқори кўтарилсин. Фан-техника тараққиётини социал вазифаларни ҳал этишга йўналтириш кучайтирилсин.**

Аввало инвестиция ва структура сиёсатини қайта қуриш, ресурсларни фан-техника тараққиётининг энг муҳим соҳаларига жамлаш — электроникани, атом энергетикасини, комплекс автоматлаштиришни, янги материаллар ишлаб чиқариш ҳамда уларга ишлов беришни ривожлантириш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини тубдан оширишга эришилсин. Беш йиллик мобайнида ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг камида учдан икки қисмига фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш ҳисобига эришилсин.

Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш тадбирлари комплекси амалга оширилсин. Илғор базавий технологияларни қўлланиш ўн иккинчи беш йилликда 1,5-2 баравар кенгайтирилсин. Электрон-нур, плазмавий, импульсли, биологик, радиацион, мембранали, химиявий технологияларни ҳамда меҳнат унумдорлигини кўп марталаб ошириш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини кўтариш ва ишлаб чиқаришдаги материал сарфини камайтириш имконини берадиган бошқа принципиал янги технологиялар халқ хўжалигига кенг жорий этилиши таъминлансин. Деҳқончилик ва чорвачиликда индустриал, интенсив технологияларга ўтилсин, биотехнология ва ген инженерияси усулларидан кенг фойдаланилсин.

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий ва технологик мослашувчанлиги изчил оширилсин. Ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига ва аввало, лойиҳалашга, асбоб-ускуналарни ва технология жараёнларини бошқаришга автомат системалар жорий қилинсин. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш даражаси тахминан икки баравар оширилсин. Тез ва тежамли қайта қуриладиган комплекс-автоматлаштирилган ишлаб чиқариш барпо этилсин.

Юқори самарали техниканинг янги туркумларини яратиш ва ишлаб чиқара бошлаш жадаллаштирилсин. Технология асбоб-ускуналари машина ва комплекслари системаларини ишлаб чиқаришга ўтилсин. Машинасозлик маҳсулотининг умумий ҳажмида биринчи бор ишлаб чиқариладиган техниканинг улуши камида 13 процентга етказилсин.

Шахсий фойдаланиладиган компьютерларни оммавий ишлаб чиқариш ташкил қилинсин. Ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқариш ҳажмининг 2-2,3 баравар кўпайтирилиши таъминлансин. Ҳамма классларидаги замонавий серунум электрон-ҳисоблаш машиналарини қўлланиш миқёслари тез суръатлар билан оширилсин. Коллектив тарзда фойдаланиладиган ҳисоблаш марказлари, маълумотларнинг йиғма банклари, информацияларни ишлаш ва узатиш тармоқларини барпо қилиш давом эттирилсин ва уларнинг иш самарадорлиги оширилсин.

Янги техника ва технологияни ишлаб чиқишда хусусиятлари илгаридан белгилаб қўйилган материалларнинг, айниқса илғор конструкцион материаллар, шу жумладан синтетик, композицион, ўта соф материаллар ва халқ хўжалигида юксак иқтисодий самарадорликни таъминлайдиган бошқа материалларнинг имкониятларидан яна ҳам тўлиқ фойдаланилсин.

Олий сифат категориясидаги саноат маҳсулотининг улуши 1,9-2,1 баравар кўпайтирилсин, техниканинг пухталиги ва иш ресурси оширилсин, сифатни бошқариш комплекс системаларини жорий қилиш асосан тугаллансин. Маҳсулотнинг стандартлари ва техникавий шартларини қайта кўриб чиқиш жадаллаштирилиб, улар дунёдаги юксак ютуқларга мослаштирилсин. Маҳсулот сифатига холисона баҳо берилишини таъминлаш учун саноат маҳсулотини аттестациялаш даражаси оширилсин. Истиқболли фан-техника ютуқлари асосида технологияларни типлаштириш ривожлантирилсин, машиналар, узеллар ва деталларнинг тармоқда ва тармоқлараро унификация қилиниши чуқурлаштирилсин.

Ихтирочилик ва патент-лицензия иши яхшилансин. Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг халқ хўжалигига тезроқ жорий этилиши учун ҳамма зарур шароитлар яратилсин. Фан-техника ахбороти давлат системаси ривожлантирилсин. Фан ва техника ютуқларини айирбошлаш такомиллаштирилсин.

Фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини мустаҳкамлаш, фан, техника ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг илмий ғоялар туғилишидан тортиб то амалда кенг қўлланилгунча бўлган ишларнинг аниқ ва тез бажарилишини таъминлаш имконини берадиган ташкилий формаларинг вужудга келтириш жуда муҳим вазифадир. Тадқиқотлар ва ечимларнинг савияси учун, улардан янада тўла-тўкис фойдаланилиши учун илмий ташкилотларнинг масъулияти кучайтирилсин.

СССР Фан ва техника давлат комитетининг фан-техника тараққиёти энг устун йўналишларини белгилашдаги, принципиал янги техника ва технологияни ишлаб чиқишни ташкил этишдаги, тармоқларнинг илмий-техника даражасини, ишлаб чиқаришнинг дунёдаги энг яхши ютуқларга мувофиқлигини, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари тармоғини шакллантиришни контрол қилишдаги роли ва масъулияти оширилсин.

СССР Фанлар академиясининг мамлакатдаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштирувчилик роли оширилсин, техника ва технология принципиал янги турларининг назарий асослари яратилиши учун унинг масъулияти кучайтирилсин. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатидан янада юқори поғонага чиқишини олдиндан белгилаб берувчи фундаментал фанни ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилсин. Академия институтларининг ишидаги техникавий йўналиш кучайтирилсин. Тармоқ академиялари ва республикалар академияларининг роли оширилсин.

(Давоми 3-бетда).

# СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши 1 ва 2-бетларда).

Тармоқ фанининг даражаси ва натижадорлиги сезиларли оширилсин, унинг завод сектори мустаҳкамлансин. Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари тармоғи кенгайтирилиб, уларнинг диққат-эътибори асбоб-ускуналар ва технология комплексларининг янги туркумларини яратишга ва кенг жорий этишга, ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини мунтазам такомиллаштиришга қаратилсин. Тармоқ илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технология ташкилотлари илмий-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда корхоналари составига киритилиб, бутун куч-ғайратини умумтармоқ характеридаги тадқиқотларни ўтказишга сарфлаётган бош ташкилотларгина, одатдагича, министрликлар ва идораларнинг бевосита қарамоғида қолдирилсин. Фан-техника тараққиётини таъминлашда, фан ва техника ютуқларидан ўз вақтида фойдаланишда корхоналарнинг конструкторлик, технология ва бошқа инженерлик хизматлари роли оширилсин.

Олий мактабнинг илмий потенциалидан анча яхшироқ фойдаланиш чоралари кўрилсин, ўтказилаётган илмий-тадқиқотлар ва ечимларнинг ҳажми сезиларли кенгайтирилсин, уларнинг халқ хўжалигидаги самарадорлиги кескин оширилишига эришилсин.

Илмий фаолиятни ташкил этишнинг қисқа муддатларда йирик тармоқлараро илмий-техникавий проблемаларни ҳал этиш имконини берадиган янги, илғор формалари кенг қўлланилсин. Техника ва технологиянинг принципиал янги турларини ишлаб чиқиш ва кенг миқёсда жорий қилиш учун тармоқлараро илмий-техника комплекслари ва марказлари вужудга келтирилсин. Илм-фаннинг академия, тармоқ ва олий ўқув юрти секторлари ўзаро баҳамжиҳат ишлаши яхшилансин.

Ижтимоий, табиий ва техника фанларининг бутун куч-ғайрати иқтисодий ва социал тараққиётнинг жадаллашувини таъминлайдиган энг муҳим стратегик йўналишларга қаратилсин.

**Ижтимоий фанлар соҳасида** ривожланган социализмни такомиллаштириш проблемаларини тадқиқ этиш кучайтирилсин, илмий-тадқиқотларнинг ғоявий-назарий савияси ва амалий аҳамияти оширилсин. Диалектик ва тарихий материализм, илмий коммунизм, сиёсий иқтисоднинг актуал проблемалари, КПССнинг тобора ошиб бораётган раҳбарлик роли масалалари, халқаро коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати тажрибаси янада чуқурроқ ўрганилсин. Социалистик экономика, планлаштириш, бошқариш, меҳнатга ҳақ тўлаш, молия ва нархнинг ҳосил бўлиши соҳасидаги назарий тадқиқотлар даражаси оширилсин. Сиёсий системанинг, социалистик демократиянинг, давлатчиликнинг ва социалистик ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланиши, СССР миллатлари ва элатларининг янада яқинлашуви жараёнлари чуқурроқ ўрганилсин. Фан-техника тараққиётининг социал-иқтисодий проблемаларини тадқиқ этиш кенгайтирилсин. Социалистик ҳамдўстликни ривожлантиришнинг объектив қонуниятларини ва тажрибасини, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий интеграциясини кучайтириш йўлларини, капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашуви, халқларнинг тинчлик ва социал тараққиёт учун кураши кучайиши жараёнларини ўрганиш давом эттирилсин.

**Табиий ва техника фанлари соҳасида** ўз натижалари билан ишлаб чиқарувчи кучларда чуқур сифат ўзгаришларини, маҳсулот, техника ва технологиянинг принципиал янги турларини яратишни таъминлашга имкон берувчи тадқиқотлар кенгайтирилсин. Назарий ва амалий математика, информатика ва кибернетика, элементар зарралар, атом ядроси ва қаттиқ жисмлар физикаси, микро ва квант электроникаси ҳамда оптика, радиофизика ривожлантирилсин, шунингдек атом ва термоядро энергетикаси соҳасидаги, электр энергиясини бошқа турга айлантириш ва узатиш, энергиянинг ноанъанавий манбаларини ўзлаштириш соҳасидаги тадқиқотлар ривожлантирилсин. Механика проблемалари, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш назарияси масалалари кенгроқ тадқиқ қилинсин. Катализ, химиявий технология, биотехнологиянинг, шунингдек янги конструкцион материаллар яратилишининг илмий асослари ишлаб чиқилсин. Физика-химиявий биология, медицина ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун физиологик актив моддалар ҳосил қилишнинг илмий асослари ривожлантирилсин; иммунология ва вирусология, генетика ва селекция проблемалари, энг кўп тарқалган касалликларнинг олдини олиш, диагноз қўйиш ва даволаш методлари ҳамда воситалари ишлаб чиқилсин. Ер қобиғи, биосфера, дунё океани ва атмосферанинг тузилиши ҳамда эволюцияси, шунингдек космик фазо комплекс тадқиқ қилинсин.

Илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги ишлар такомиллаштирилсин.

Фаннинг моддий-техника таъминотини яхшилаш тадбирлари амалга оширилсин. Фаннинг тажриба-эксперимент базаси мустаҳкамлансин, фан объектлари қурилишига сарфланаётган капитал маблағларнинг камида ярми ана шу базанинг ривожланиши учун сарфлансин. Илмий ташкилотларни илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида замонавий приборлар, ускуналар, автоматлаштириш воситалари, материаллар ва препаратлар билан таъминлаш жиддий яхшилансин.

## V. ОҒИР САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Оғир саноатнинг асосий вазифалари халқ хўжалигини ёнилғи-хом ашё ресурслари, машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқа замонавий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашдан, аҳоли учун юқори сифатли товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан, унинг тармоқлари иш самарадорлигини оширишдан иборат.**

Ана шу вазифаларни бажариш учун:

ўзининг техника-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан энг яхши жаҳон намуналарига мувофиқ келадиган, жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган юксак самарали маҳсулот ишлаб чиқаришга кенг кўламда ўтилсин. Янги техника ва технологияни ўзлаштириш муддатлари кескин қисқартирилсин;

оғир саноатнинг структураси такомиллаштирилсин, тармоқлараро ва тармоқ ичидаги мутаносибликлар яхшилансин. Машинасозлик, атом энергетикаси, газ, химия ва нефть химияси саноати, прогрессив конструкцион материаллар ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилсин, ихтисослаштириш ва кооперациялаш кенгайтирилсин;

ишлаб чиқариш аввало, техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш, механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини ошириш асосида янгилансин;

қўл меҳнати, кам малакали ва оғир жисмоний меҳнат қўлланиладиган соҳаларни анча камайтириш мақсадида кўтариш-транспорт, ортиш-тушириш ва омбор ишларини механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини ишлаб чиқариш сезиларли кўпайтирилсин;

ҳамма жойда техника ва технологиянинг ресурсларни тежаб қолишга имкон берадиган турлари ишлаб чиқаришга жорий этилсин, хом ашёдан комплекс тарзда фойдаланилсин, ишлаб чиқаришда ишлатилаётган табиий материаллар синтетик материаллар билан кенг кўламда алмаштирилсин, хом ашё ва материаллар исрофгарчилиги камайтирилсин, иккиламчи ресурслардан фойдаланиш яхшилансин.

Оғир саноат тармоқлари тараққиётининг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб қўйилсин.

### МАШИНАСОЗЛИК КОМПЛЕКСИ

Биринчи навбатда машинасозлик комплексининг, аввало станоксозлик, ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқариш, приборсозлик, электротехника ва электрон саноати тармоқларини тубдан реконструкция қилиш ва илдам ривожлантириш таъминлансин. Ана шу тармоқларда умуман машинасозликдаги ўртача кўрсаткичларга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларини 1,3—1,6 баравар ошириш кўзда тутилсин.

Машинасозлик комплексини ривожлантиришга сарфланаётган капитал маблағлар ҳажми анча кўпайтирилсин. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив қисмини янгилаш йилига 10—12 процентни ташкил этсин.

Машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 40—45 процент кўпайтирилсин.

Янги техникани ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш муддатлари 3-4 баравар камайтирилсин. Техниканинг ҳамма янги ўзлаштирилаётган турлари унумдорлиги ва пухталиги ҳозир ишлаб чиқарилаётган техника турларига нисбатан камида 1,5-2 марта оширилиши таъминлансин.

Машина ва ускуналарнинг бирлик қуввати иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган доираларда оширилсин, уларнинг унумдорлик бирлиги ҳисобига бўладиган ишлаб чиқариш харажатлари камайтирилсин.

Осон қайта созланадиган ишлаб чиқариш ва лойиҳалаштиришнинг автоматлаштирилган системалари, автоматик линиялар, ичига микропроцессор техникаси воситалари ўрнатилган машина ва ускуналар, рақамли программа билан бошқариладиган кўп операцияларни бажарадиган станоклар, робот техникаси, ротор ва ротор-конвейер комплекслари кенг жорий этилсин.

Сибирь, Узоқ Шарқ ва Чекка Шимолда ишлатишга мўлжалланган серунум машина ва ускуналар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Технологик системалар ва машиналар комплексини комплект тарзда етказиб беришга ўтилсин. Қишлоқ хўжалигида, транспортда ва бошқа тармоқларда ишлатилаётган мураккаб ва ўта аниқ ишлайдиган техниканинг фирма томонидан ўтказиладиган ремонти ва қарови ишлаб чиқарувчиларнинг кучи билан амалга оширилиши ҳар томонлама тараққий эттирилсин.

Ишлаб чиқаришни предмет, деталь тайёрлаш ва технологик жиҳатдан ихтисослаштириш ва кооперациялаш кенгайтирилсин. Бунда механика-йиғув корхоналарининг иши ихтисослаштирилган заводлар иши билан самарали тарзда уйғунлаштирилсин. Узеллар ва деталлар энг кўп даражада унификация қилинсин. Унификация қилинган блок-модулли ва базавий конструкциялар негизида машиналар, ускуналар ва приборлар яратиш тадбирлари амалга оширилсин. Техниканинг кўп юмуш бажарадиган турларини ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида машинасозлик тармоқларидаги интеграциянинг янада тараққий этиши ва мустаҳкамланиши, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш ҳисобига машинасозлик саноати маҳсулотининг техника даражаси ва сифатини ошириш имкониятларидан яна ҳам тўлароқ фойдаланилсин.

Машинасозлик министрликларида ўз эҳтиёжлари учун махсус технология ускуналарини ишлаб чиқариш анча оширилсин.

Машинасозликда прогрессив конструкцион материаллар—кам легирланган пўлат прокати, букилган, фасон ва аниқ профилли прокат, металл кукунлари ва пластмассалардан фойдаланиш кўпайтирилсин. Ўн иккинчи беш йилликда машина ва ускуналарга сарфланадиган металл улуши 12—18 процент ва шу машиналарга сарфланадиган энергия улуши 7-12 процент қисқартирилсин, қора металлар прокати сарфи (1 миллион сўмлик товар маҳсулоти ҳисобига) ўртача 26—28 процент, пўлат қувурлар сарфи 18-20 процент, рангли металлар прокати сарфи 21-23 процент камайтирилсин.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси оширилсин, ускуналарнинг сменали иш коэффициенти 1990 йилда 1,6-1,8 га, шу жумладан программа билан бошқариладиган ускуналарда ва автомат линияларда 1,9, мосланувчан ишлаб чиқариш модулларида ва системаларида 2-2,5 га етказилсин.

Меҳнат унумдорлиги 39-43 процент оширилсин, маҳсулот таннархи 9-11 процент арзонлаштирилсин.

**Энергетика машинасозлигида** энергетикани жадал ривожлантириш учун юқори тежамли техника воситаларини ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган ускуналарнинг структураси яхшилансин, уни автоматлаштириш даражаси микропроцессор техникаси воситаларини қўлланиш негизида тубдан оширилсин. Тез нейтронларда ишлайдиган реакторлари бўлган, қуввати 800 минг киловаттли энергетика блокларини ишлаб чиқиш ва уларни тайёрлашни ўзлаштириш ташкил этилсин. Иссиқлик нейтронларида ишлайдиган реакторлари бўлган, қуввати 1500 минг киловаттли энергетика блоклари ва тез нейтронларда ишлайдиган реакторлари бўлган, қуввати 1600 минг киловаттли энергетика блоклари яратиш юзасидан илмий-техникавий проблемалар ҳал этилсин.

Иссиқлик билан таъминлайдиган атом станциялари учун ускуналар, мамлакатнинг узоқ районларида ишлатиш учун кичик қувватли энергетика ускуналари ишлаб чиқарилиши таъминлансин. Канск-Ачинск ёқилғи-энергетика комплекси ва мамлакатнинг бошқа районларидаги электростанцияларда фойдаланиш учун бирлик қуввати 800 минг киловатт бўлган буғ турбинаси блоклари ускуналарини кўплаб ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Бирлик қуввати 120—150 минг киловатт бўлган йирик газ-энергетика турбиналарининг, шунингдек юқори босимли ва гидроаккумуляция электростанциялари гидротурбина ускуналарининг бош намуналари яратилиб, уларни ишлаб чиқариш ташкил этилсин.

**Оғир ва транспорт машинасозлигида** оғир саноат ва транспорт базавий тармоқларини техника жиҳатдан тубдан қайта қуроллантиришга имкон берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Айрим машиналар ишлаб чиқаришдан асосан автоматлаштириш даражаси юқори бўлган технологик линиялар ва комплекслар яратишга ўтилсин. Металлургия ускуналари ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин.

Қиздириш майдони 650 квадрат метргача бўлган агломерация машиналари, ҳаво комбинациялашган тарзда ҳайдаладиган конверторлар ҳамда пўлатни узлуксиз қуядиган юқори унумли машиналар яратилсин ва уларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Кон саноати ускуналари, кўпроқ гидравлика қўлланиладиган ва бирлик қуввати катта бўлган кон ускуналари ишлаб чиқаришни ўстириш таъминлансин. Кон қатламлари ернинг дарз кетган тик қиямали ҳавзаларидаги фойдали қазилмаларни бир йўла қазиб олиш учун қазув-тозалаш комплекслари, тозалаш ишлари учун юқори унумли механизациялашган комплекслар, кам оксидланган маъданларни бойитиш учун махсус ускуналар, ковшининг сиғими 100 кубометрга борадиган ва қулочининг узунлиги 125 метр бўлган одимловчи экскаваторлар тайёрлаш йўлга қўйилсин. Кўмир қазиб олиш учун бирлик қуввати катта бўлган ускуналарнинг янги прогрессив турлари ишлаб чиқилсин ва уларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилсин.

Тепловозлар, дизель двигателлари, юк ва пассажир вагонлари, метрополитен учун вагонлар, кўтарма-транспорт ускуналари ва йўл ремонти учун техника воситалари ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

**Электротехника саноатида** ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилсин ва маҳсулотнинг тежамли бўлишига эришилсин. Қуввати 800 минг киловаттгача бўлган унификация қилинган ягона серияли турбогенераторлар, атом электростанциялари учун пишиқ-пухталиги оширилган, бирлик қуввати 1 миллион киловатт бўлган турбогенераторлар, энергияни тежайдиган ёритиш манбалари, шунингдек қуввати 400 киловаттгача бўлган ўзгарувчан ток электродвигателларининг янги туркумини ишлаб чиқариш талай даражада кўпайтирилсин.

1500 киловольт кучланишли ўзгармас ток узатиш электр линиялари учун юксак самарали ускуналар, элегаз изоляцияси бўлган комплект тақсимлаш қурилмалари ва юқори унумли пўлат эритиш электр печларини ишлаб чиқариш ташкил этилсин.

Автоматлаштирилган электроприводлар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан оширилсин. Электр двигателлар, аккумулятор батареялари, контактсиз паст вольтли ва юқори вольтли аппаратура, кучли ярим ўтказгичли приборлар ва модуллар, толали-оптик алоқа кабеллари ва бошқа электротехника буюмларининг юксак даражада автоматлаштирилган ишлаб чиқаришлари ривожлантирилсин. Нурланиш қуввати 10 киловаттгача бўлган лазерли технология ускуналари, мосланувчан ишлаб чиқариш системалари учун комплектловчи буюмлар, саноат роботлари ва автоматлаштириш воситалари, кўп юк кўтара оладиган автосамосваллар учун электр ускуналарини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Ҳажми кичик бўлган, энергияни тежайдиган аккумулятор батареялари билан жиҳозланган электр юклагичлар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

**Химия ва нефть машинасозлигида** халқ хўжалигини химиялашга мўлжалланган техниканинг прогрессив турларини ишлаб чиқариш ривожлантирилсин. Комплект ва блок-комплект тарзида тайёрланган, бирлик қуввати оширилган ускуналар ва технологик линиялар, шу жумладан табиий газдан йилига 750 минг тонна метанол ишлаб чиқара оладиган ҳамда карбамид, этилен, пропилен, синтетик каучук, оқсил-витамин концентратлари тайёрлайдиган автоматлаштирилган линиялар ишлаб чиқариш 1,3-1,5 баравар кўпайтирилсин. Нефть-газ конларида қўлланиладиган юқори сифатли ускуналар, пармалаш, геология-қидирув, мелиорация, целлюлоза-қоғоз, ўрмон-химия ва бошқа соҳалар учун асбоб-ускуналар ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. Газ ва нефтни қайта ишлаш комплекслари ҳамда фойдали қазилма таркибида агрессив компонентлар кўп бўлган конларни ўзлаштириш учун кон саноати ускуналари ишлаб чиқариш таъминлансин.

Янги технология жараёнлари негизида прогрессив реактор, иссиқлик ва масса алмашув, криоген, вакуум ва совутиш ускуналари ишлаб чиқариш жадаллаштирилсин.

**Станоксозлик ва асбобсозлик саноатида** машинасозликни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш учун зарур бўлган прогрессив техника воситалари ишлаб чиқариш жадаллаштирилсин. Тайёрланаётган ускуналарнинг структураси такомиллаштирилсин, самарали темирчилик-пресслаш, металл қирқиш, қуюв ва ёғочни қайта ишлаш ускуналарининг янги турларини тайёрлаш анча кўпайтирилсин ва уларнинг унумдорлиги 1,5-1,6 марта оширилсин.

Рақамли программа билан бошқариладиган металл қирқиш станоклари, «ишлов бериш маркази» типидаги станоклар, оғир ва ноёб станоклар ҳамда пресслар, машинасозликда кўплаб ишлаб чиқарилаётган буюмларни йиғишни автоматлаштириш ускуналари, машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноати учун ротор, ротор-конвейер ва бошқа автоматик линиялар ишлаб чиқаришни устун даражада ривожлантириш таъминлансин. Юксак ва ўта юксак аниқликдаги станоклар ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин.

Автоматлаштирилган ва роботлаштирилган комплекслар ва линияларни, металлга ишлов беришнинг, шу жумладан тунука тарзида ва ҳажмли штамповкалашнинг мосланувчан ишлаб чиқариш системалари, металл кукунларидан, пластмассадан ва бошқа материаллардан деталлар, прогрессив асбоб ва технологик ускуналар, назоратни автоматлаштиришнинг замонавий ўлчов воситалари тайёрлаш кўпайтирилсин.

Асбобларни ихтисослашган ҳолда тайёрлаш ривожлантирилсин. Ейилишга чидамли, кўп қатламли қопламалари бўлган, қаттиқ қотишмалардан ва металл керамикадан тайёрланган қайта йўнилмайдиган пластинали серунум қирқиш асбобларини ишлаб чиқариш 3-4 баравар оширилсин. Пухталовчи технологияни қўлланиш кенгайтирилсин.

**Приборсозликда** электроника негизида, аввало технологик жараёнларни бошқаришга мўлжалланган саноат автоматикасининг пишиқ-пухта системаларини тайёрлаш илдам суръатлар билан амалга оширилсин. Инженерлик меҳнатини автоматлаштириш воситалари, юқори унумли кичик электрон-ҳисоблаш машиналари, якка тартибда фойдаланиладиган электрон-ҳисоблаш машиналари, кўп хил иш бажарадиган станоклар ҳамда мосланувчан ишлаб чиқариш модуллари учун рақамли программа билан бошқариш системалари, турли-туман ускуналар учун программалаштириладиган топшириқ бериш аппаратлари ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилсин. Ҳисоблаш техникаси ва бошқарувнинг автоматлаштирилган системалари учун программа воситалари ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Машина ва ускуналарни техника жиҳатдан диагностика қилишнинг автомат воситаларини, зарар етказмайдиган контрол воситаларини, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатини текширадиган, атроф-муҳит ҳолатини назорат қиладиган янги приборлар комплексларини яратиш ва кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш таъминлансин. Ёнилғи-энергетика ресурслари сарфини назорат қиладиган ва бошқариб турадиган приборлар, илмий-тадқиқот ишлари учун янги приборлар ҳамда автоматлаштириш воситалари ишлаб чиқариш жадаллаштирилсин.

Приборлар ва автоматлаштириш воситаларида пишиқпухталиги ва тезкорлиги оширилган элемент базасини, жуда катта интеграл схемалар, лазер ва тола-оптика техникасини қўлланиш анча кенгайтирилсин.

**Автомобиль саноатида** халқ хўжалик эҳтиёжларига ва ёнилғини тежаш вазифаларига тўлароқ жавоб берадиган автомобиллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг структурасини яхшилаш таъминлансин. Ёнилғининг солиштирма сарфи (бензинли машиналарга нисбатан) 25-30 процент камайтирилган дизелли юк автомобиллари ва автопоездлар ишлаб чиқариш ялпи ишлаб чиқаришнинг 40-45 процентигача етказилсин. Сиғими кенгайган ва яхши жиҳозланган шинам дизелли автобуслар ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Кўп юк ортиладиган кон автосамосваллари, шу жумладан 110 ва 180 тонна юк кўтара оладиган ана шундай автосамосваллар, юк ташиш қуввати кўпайтирилган ёғоч-тахта ташийдиган автомобиллар, кам тоннажли юк автомобиллари ва автопогрузчиклар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Дизель двигателли ва приводи олдинда жойлашган моделдаги юксак тежамли енгил автомобиллар ишлаб чиқаришга ўтиш жадаллаштирилсин. Қисилган ва суюқ газда ишлайдиган автомобиллар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Қурилишчилар учун махсус автомобилларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришилсин.

Турли-туман қишлоқ хўжалиги юкларини ташийдиган, шунингдек агросаноат комплекси тармоқларида технология жараёнларининг узлуксизлигини таъминлайдиган махсус автомобиль ва прицеплар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Электрон қурилмаларни қўлланиш ҳамда аэродинамик кўрсаткичларни яхшилаш йўли билан автомобилларда ёнилғининг солиштирма сарфи камайтирилсин. Автомобилларга металлнинг солиштирма сарфи 15—25 процент камайтирилсин, уларнинг иш ресурси оширилсин ва техника хизмати кўрсатишда меҳнат сарфи камайтирилсин.

**Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигида, чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлигида** қишлоқ хўжалигининг зарур юқори самарали техникага бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга имкон берадиган даражада ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш кенг миқёсда амалга оширилсин.

1986—1990 йилларга белгиланган қишлоқ хўжалигидаги ишларни механизациялаш машиналари системасининг номенклатурасига мос тарзда машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни ўстириш ва улар структурасини такомиллаштириш, унумдорлигини 1,5-1,8 баравар ошириш таъминлансин. Тракторлар ва комбайнларнинг солиштирма ёнилғи сарфи 3-5 процент ва буюмларга кетадиган металл солиштирма сарфи 10-15 процент камайтирилсин.

Ўрмаловчи ҳайдов, ғилдиракли универсал-чопиқ тракторлари ва оғир саноат тракторлари янги моделларини тайёрлаш ташкил этилсин. Энергия билан кўп даражада таъминланган тракторларга тиркаладиган мосламалар ишлаб чиқариш уч баравар оширилсин. Юқори унумли янги дон комбайнлари яратилсин ва уларни ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Кенг қамровли ўзиюрар «Степь» ўроқ машиналарини ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Коллектив боғлар ва томорқаларда, шахсий ёрдамчи хўжаликларда ишлатиш учун фойдаланиш қулай бўлган, тежамли ва кичик ҳажмли тракторлар, комплект мосламалари бўлган мотоблоклар, конструкцияси яхшиланган бошқа машиналар ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин.

Деҳқончиликда тупроқни ҳимоя қилиш системаларини, қишлоқ хўжалик экинларини парваришлашнинг индустриал ва интенсив технологияларини қўлланиш, мелиорация, ёғоч-тахта тайёрлаш ва бошқа ишларни ўтказиш учун юқори унумли машина ва ускуналар комплекслари ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Ўғит тайёрлаш ва уни ерга солиш ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини қўлланишга мўлжалланган машиналар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин.

Чорвачиликда ва озуқа ишлаб чиқаришда асосий ва ёрдамчи ишларни механизациялаштиришни таъминлаш учун ягона технология комплексларини ташкил этувчи юқори унумли ва тежамли машина ҳамда ускуналар ишлаб чиқаришга ўтилсин. Кичик фермаларни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. Озуқани консервалаш ва терт қориш учун машина ва ускуналарнинг конструкциялари яратилиб, ишлаб чиқариш ташкил этилсин, шунингдек чорвачилик ва паррандачилик фермалари ҳамда комплексларида чиқитларни қайта ишлаш учун биоэнергетика қурилмалари яратилсин ва ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машиналар ва ускуналарнинг унумдорлиги оширилсин, уларнинг хизмат муддати узайтирилсин.

**Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлигида** қурилиш ишлаб чиқаришининг техникавий даражасини анча оширишга, қўл меҳнати сарфини кескин камайтиришга имкон берадиган машина, механизм, асбоблар ва бошқа маҳсулот тайёрлашга биринчи галда диққат-эътибор қаратилсин. Қурилиш жараёнларини комплекс механизациялаш учун зарур бўлган машиналар комплекти, механизациялаш воситалари ва асбоблар ишлаб чиқариш таъминлансин. Турли ишлар учун мўлжалланган махсус шассилар тайёрлайдиган қувватлар яратилсин ва улар негизида хилма-хил ишларга мўлжалланган, фойдаланиш учун қулай қурилиш машиналари ва механизмлари ишлаб чиқариш ташкил этилсин. 10 тонна ва ундан ҳам кўп юк кўтара оладиган минорали кранлар, ковш сиғими катта бўлган ўзиюрар скреперлар, пневмоғилдирак ёрдамида ҳаракатланадиган юқори унумли бир ковшли юк ортгичлар, ерни юмшатадиган бульдозерлар, ер шиббалаш техникаси ҳамда қурилишни механизациялаштириш учун бошқа самарали воситалар ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожлантирилсин. Корхоналар ишлаб турган шароитларда қурилиш-монтаж ишлари ўтказиш учун машиналар ишлаб чиқариш таъминлансин.

Автоматлаштирилган стационар ва кўчма бетон қориш қурилмалари, йирик блокли монтаж учун кўтариш қурилмалари, қурилиш материаллари саноати учун автоматлаштирилган линиялар тайёрлаш кўпайтирилсин. Яна ҳам мукаммал ва тежамли ер қазиш ва мелиорация техникаси, ускуналарини алмаштириш мумкин бўлган кичик ҳажмдаги машиналарни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Ёғоч-тахта тайёрлаш ишлари учун юқори даражада механизациялашган комплекслар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин ва уларнинг турлари кўпайтирилсин. Йўл ва коммунал хўжалиги учун янги техника ишлаб чиқариш ривожлантирилсин.

**Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлигида** ана шу тармоқларда маҳсулот тайёрлашни тўла-тўкис механизациялаш ва автоматлаштиришга ўтиш имконини берадиган комплекслар ва машина системаларини яратиш ва ишлаб чиқариш ишлари амалга оширилсин. Роботлаштирилган қурилмалар ва микропроцессорлар билан жиҳозланган юқори унумли машина ва ускуналар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. Сочилувчан озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш учун автомат линиялар ишлаб чиқариш тахминан 6 баравар кўпайтирилсин. Лойиҳа-конструкторлик ва ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамлансин.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин. Фотонабор учун электрон техника, офсет босманинг автоматлаштирилган юқори унумли машиналари, шунингдек полиграфия маҳсулотлари тайёрлаш учун поток линиялар ишлаб чиқаришни кўпайтириш таъминлансин.

### КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Экономикани ривожлантиришда янги илғор техника яратиш ва ресурсларни тежайдиган йўналишни амалга ошириш вазифаларидан келиб чиқиб, конструкцион материаллар структураси ва сифати яхшилансин. Металл маҳсулотларнинг тежамли турларини, синтетик ва бошқа прогрессив материалларни ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилсин; конструкцион материаллар турлари кўпайтирилсин, техника-иқтисодий кўрсаткичлари яхшилансин ва пишиқлик хусусиятлари оширилсин.

**Қора металлургияда** 1990 йилга бориб чўян қуйиш кўпайтирилмагани ва кокс сарфи анча камайтирилгани ҳолда тайёр прокат ишлаб чиқариш 116-119 миллион тоннага етказилсин. Металл маҳсулоти структураси яхшилансин. Камида 50 миллион тонна лист прокат, кам легирланган пўлатдан 20-21 миллион тонна ва пишиқтириб ишлов берилган 15-16 миллион тонна прокат ишлаб чиқариш таъминлансин. Заводда коррозияга қарши қоплама югуртирилган нефть учун сортамент қувурлар, газ қувурлари ва бошқа хил қувурлар, металл буюмлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Камида 500 хил янги профилдаги прокат ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин.

Ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш жадаллаштирилсин. Кислород-конвертер пўлати ва электр пўлат қуйиш 1,3-1,4 марта, узлуксиз усул билан пўлат қуйиш камида икки марта ва металл кукун ишлаб чиқариш икки мартадан зиёд кўпайтирилсин. Бевосита темир олиш ва принципиал янги металл материаллар олиш технологиясини саноат кўламида ўзлаштириш ишлари кенгайтирилсин.

Меҳнат унумдорлиги 13-15 процент оширилсин, маҳсулот таннархи 2-3 процент арзонлаштирилсин.

**Рангли металлургияда** руда базаси, алюминий, вольфрам-молибден, олтин ва олмос қазиб олиш саноати, нодир металлар ва қалайи саноати ҳамда металл кукунлар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин. Камида 300 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин.

Руда хом ашёсидан янада комплекс ҳолда фойдаланилсин. Темир-терсакни, чиқитларни ҳамда илгари ишлатилмаган, қайта ишлаш қийин бўлган хом ашёни қайта ишлаш ҳисобига рангли металлар тайёрлаш 1990 йилда камида 1,9 миллион тоннага етказилсин.

Суюқ ваннада эритишни қўлланиш 2,5-3 баравар кўпайтирилсин, ресурсларни тежайдиган автоген жараёнлардан фойдаланган ҳолда мис, қўрғошин ва никелнинг 35 процентини ишлаб чиқариш таъминлансин. Беш йиллик мобайнида ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи нормалари камайтирилсин ҳамда камида 3 миллиард киловатт-соат электр энергияси ва 1 миллион тонна шартли ёқилғи тежалсин.

(Давоми 4-бетда).

# СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари

(Давоми. Боши 1, 2 ва 3-бетларда).

Меҳнат унумдорлиги 6-7 процент оширилсин.

**Химия ва нефть химияси саноатида** маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 30-32 процент оширилсин, турлари кенгайтирилсин ва унинг сифати оширилсин. 1990 йилга бориб минерал ўғит ишлаб чиқариш 41-43 миллион тоннага, ўсимликларни ҳимоя қилувчи химиявий воситалар ишлаб чиқариш 440-480 минг тоннага, синтетик смола ва пластмасса ишлаб чиқариш 6,8-7,1 миллион тоннага, ҳимиявий тола ва ип ишлаб чиқариш 1,85 миллион тоннага, синтетик каучук ишлаб чиқариш 2,7-2,9 миллион тоннага етказилсин.

Замонавий конструкцион пластмасса ва бошқа полимер материаллар ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши таъминлансин, оз тоннажли химия маҳсулотларини, аввало, нозик органик синтез маҳсулотларини, шунингдек техника мақсадларида фойдаланиладиган ўсимлик мойи ва озиқ-овқат маҳсулотлари ўрнида ишлатиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин ва номенклатураси кенгайтирилсин. Янги турлардаги ғоят пишиқ ҳамда юксак модулли химиявий тола ва ип яратилсин ва уларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин.

Металлкорд асосида радиал конструкциядаги шиналар, янги моделлардаги йирик ва ғоятда катта шиналар, ёнмайдиган материалдан ишланадиган ғоят пишиқ транспортёр лентералари ва бошқа резина-техника буюмлари ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. Кўп марта ишлатиладиган полимер идиш ишлаб чиқариш тахминан уч баравар кўпайтирилсин.

Меҳнат унумдорлиги 29-31 процент оширилсин, маҳсулот таннархи 7-9 процент арзонлаштирилсин.

**Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноатида** аввало ёғоч хом ашёни қайта ишлаш комплекслилигини ошириш, ўрмонларни тиклаш, ёғоч тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналар яратиш йўли билан ўрмон хом ашёси ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш таъминлансин.

Айниқса, ёғоч тайёрлаш районларида ёғоч хом ашёни химиявий ва химиявий механик қайта ишлаш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин. Целлюлоза ишлаб чиқариш 15-18 процент, қоғоз тайёрлаш 11-15 процент, ёғоч толали плиталар тайёрлаш 17-20 процент, картон ва ёғоч қипиқ плиталар тайёрлаш тахминан 1,3 баравар кўпайтирилсин. 1990 йилга бориб юмшоқ ёғочни қайта ишлаш 65-70 миллион куб метрга ва ёғоч чиқитларидан фойдаланиш 70-75 миллион куб метрга етказилсин.

Мебель ишлаб чиқариш 33-35 процентга кўпайтирилсин, унинг сифати ва тури яхшилансин. Оқ қоғоз товарлар ва обойлар, шунингдек молларни ўраш ва қадоқлашда ҳамда рўзғорда ишлатиладиган қоғоз ва картон тайёрлаш анча кенгайтирилсин. Картон идиш ишлаб чиқаришнинг тахминан 1,7 баравар ўсиши таъминлансин.

Меҳнат унумдорлиги 14-16 процент оширилсин ва маҳсулот таннархи 2-3 процент арзонлаштирилсин.

**Бинокорлик материаллари саноатида** 1990 йилга бориб цемент ишлаб чиқариш 140-142 миллион тоннага етказилсин, унинг сифати яхшилансин. Самарали бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш ривожлантирилсин. Бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш учун йўлдош материаллардан, иккиламчи хом ашё ва бошқа тармоқларнинг чиқитларидан кенгроқ фойдаланилсин. Қурилиш учун тайёр яхлит қисмлар етказиб беришга аста-секин ўтиб борилсин. Аҳоли эҳтиёжлари учун юқори сифатли маҳсулотлар, шу жумладан маҳаллий бинокорлик материаллари турлари ва уларни етказиб бериш ҳажми кўпайтирилсин.

Меҳнат унумдорлиги 16-18 процент оширилсин, маҳсулот таннархи 4-5 процент арзонлаштирилсин.

### ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ

Ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларининг ривожланиши халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва соҳаларида энергияни тежайдиган собитқадам сиёсатни планли равишда ўтказиб борган ҳолда ёқилғи қазиб чиқариш ва энергия ҳосил қилишни кўпайтириш йўли билан мамлакатнинг барча турдаги ёқилғи ва энергияга бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаб туриш вазифасига бўйсундирилсин.

**Электр энергетикада** 1990 йилга бориб электр энергия ҳосил қилиш 1840-1880 миллиард-киловатт соатга, шу жумладан атом электр станцияларида 390 миллиард киловатт-соатга етказилсин. Биринчи навбатда иссиқлик электр станцияларида мазутдан ёқилғи сифатида фойдаланиш анча камайтирилсин.

Энергетика қувватларининг структураси янада такомиллашиши таъминлансин. Мамлакатнинг Европа қисмида ва Уралда катта-катта атом электр станциялари, мамлакатнинг шарқий районларида эса бирлик қуввати 4-6 миллион киловаттга борадиган конденсацион иссиқлик электр станциялари ва гидроэлектр станциялар қурилсин. Тез нейтронлар билан ишлайдиган реакторли атом электр станцияларини қуриш, маневрчан энергетика қувватларини яратиш тезлатилсин. Қуввати 10 миллион киловаттли эскирган машина-ускуналар кўчириб олинсин, қуввати камида 25 миллион киловаттли энергетика машина-ускуналари янгилансин.

Органик ёқилғи ва ядро ёқилғисида ишлайдиган қувватли ТЭЦлар, иссиқлик билан таъминлайдиган атом станциялари ва катта-катта қозонхоналар қуриш ҳисобига иссиқлик билан таъминлашни янада марказлаштириш кўзда тутилсин.

Мамлакатнинг ягона энергетика системасини барпо этиш давом эттирилсин, ўзгарувчан ток кучланиши 500, 750 ва 1150 киловольтли ва ўзгармас ток кучланиши 1500 киловольтли системалараро электр узатиш линиялари, шунингдек тақсимот электр тармоқлари қурилсин.

Меҳнат унумдорлиги 21-23 процент оширилсин, электр ва иссиқлик энергиясининг таннархи 4-5 процент арзонлаштирилсин.

**Нефть саноатида** 1990 йилга бориб 630-640 миллион тонна нефть ва газ конденсати қазиб чиқариш таъминлансин. Ғарбий Сибирь, Қозоғистон ССРда ва мамлакат Европа қисмининг шимолида нефть саноатини ривожлантириш давом эттирилсин. Каспий бўйи паст-текислигида чуқур жойлашган нефть конларини саноат кўламида қазишга киришилсин. Соҳилга яқин жойларда нефть-газ конларини ўзлаштириш ҳамда бунинг учун зарур ишлаб чиқариш-техника базасини яратиш тезлатилсин.

Конларни қазиш оқилона системаларини қўллаш, пармалаш ишлари технологиясини такомиллаштириш, бу ишларни техника билан таъминлашни яхшилаш, қатламлардан нефть чиқишини кўпайтирувчи замонавий методларни кенг жорий этиш ҳамда илғор технологик жараёнларни қўллаш ҳисобига нефть қазиб чиқариш самарадорлиги оширилсин. Қудуқларнинг ремонтлараро ишлаш даври 1,4-1,8 баравар оширилсин.

1990 йилга бориб нефтга йўлдош газдан фойдаланиш камида 90 процентга етказилсин.

**Нефтни қайта ишлаш саноатида** нефтни қайта ишлаш янада чуқурлаштирилиши ҳамда мотор ёқилғи, шунингдек химия, нефть-химияси ва микробиология саноати учун хом ашё ҳосил қилиш кескин кўпайтирилиши таъминлансин. Мотор ёқилғини ишлаб чиқариш кўпайтирилсин, уларнинг сифати яхшилансин. Транспорт харажатларини анча камайтириш мақсадларида нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш, нефть маҳсулотлари юбориладиган қувурлар ётқизишни янада кўпайтириш ишлари давом эттирилсин.

Меҳнат унумдорлиги 9-11 процент оширилсин.

**Газ саноатида** 1990 йилга бориб газ қазиб чиқариш 835-850 миллиард куб метрга етказилсин. Ямбург, Қорачағаноқ, Астрахань газ-конденсат конлари ва бошқа шундай конларни қазишга киришиш тезлатилсин. Ямал ярим оролида газ қазиб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилсин. Каспий бўйи паст-текислигидаги конлар саноат кўламида қазила бошлансин ва шу конлар асосида кўп тоннажли газ-химия ишлаб чиқариши барпо этилсин. Газ ва газ конденсатини комплекс ҳолда тайёрлаш учун автоматлаштирилган блок-комплект қурилмалар, шу жумладан бирлик қуввати катта қурилмалар кенг кўламда жорий этилсин.

Меҳнат унумдорлиги камида 1,4 баравар оширилсин.

**Кўмир саноатида** 1990 йилга бориб 780-800 миллион тонна кўмир қазиб олиш таъминлансин. Маҳсулотнинг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинсин.

Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқдаги Кузнецк, Экибастуз, Канск-Ачинск кўмир ҳавзалари ва бошқа ҳавзаларни ривожлантириш тезлатилсин.

Кўмирнинг сифати яхшилансин, уни бойитиш ҳажми орттирилсин. Кокслаш учун кўмир концентрати, шунингдек коммунал-маиший эҳтиёжлар ҳамда кокс ўрнида ишлатиш учун сортли кўмир ва кўмир брикетлари ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Очиқ прогрессив усулда кўмир қазиб олиш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин, жами қазиб олинган кўмирда шу усулнинг ҳиссаси камида 46 процентга оширилсин. Кўмир разрезларида роторли экскаваторлардан, конларни қазишда транспортсиз ва транспорт-уюм системаларидан, поток ва циклли-поток иш технологиясидан фойдаланиш анча кенгайтирилсин. Шахталар ва бойитиш фабрикалари учун автоматлаштирилган машина-ускуналар системасидан кенгроқ фойдаланилсин. Комплекс механизациялашган кўмир забойларидан кўмир қазиб чиқариш даражаси 78-80 процентга, кон йўлларини комбайнда қазиш даражаси 48-50 процентга етказилсин.

### МИНЕРАЛ ХОМ АШЁ БАЗАСИ

Мамлакатнинг минерал хом ашё базаси янада мустаҳкамланиши ва кенгайтирилиши, разведка қилинган фойдали қазилма запасларини ўзлаштиришга тайёрлаш самарадорлиги ва сифатини ошириш таъминлансин.

Ғарбий ва Шарқий Сибирь территориясида, Каспий бўйи чўкмасида, СССР Европа қисми шимолида, Ўрта Осиё, Узоқ Шарқда нефть ва табиий газ геология-қидирув ишлари, айниқса, очиқ усул билан қазиб олишга яроқли коксланадиган ва энергетика кўмири конларини қидирув ишлари тезлатилсин.

Ишлаб турган кончилик корхоналарининг хом ашё базаси кенгайтирилсин. Қора ва рангли металлургия учун юқори сифатли руда конларини, минерал ўғит ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш учун хом ашё излаш ва разведка қилишга, разведка қилинган ер ости чучук сув запасларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

Фойдали қазилмаларни излаш ва разведка қилиш илғор методларини жорий этиш тезлатилсин. Фойдали қазилма конлари прогнозларини илмий асослаш ва уларга геология-экономика жиҳатидан баҳо бериш даражаси оширилсин. Геофизик ва геохимик тадқиқот методларидан, ер юзи ва унинг бағрини аэробаландлик ва космик ўрганиш воситаларидан янада кенг ва самарали фойдаланилсин.

Геология-қидирув хизматини техника жиҳатидан планли равишда қайта жиҳозлаш, фойдали қазилмаларни излаш ва разведка қилиш учун, шу жумладан соҳилга яқин жойларда ва дунё океанидаги табиий ресурсларни ўрганиш ва уларни саноат кўламида ўзлаштириш учун ихтисослашган ҳамда юксак даражада механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган воситаларни яратиш ва жорий этиш таъминлансин. Геология-қидирув хизматининг замонавий транспорт воситалари билан таъминланиши яхшилансин.

## VI. АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

**Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барқарор ўсишига эришиш, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминлаш, СССР Озиқ-овқат программасига мувофиқ юксак пировард натижаларга эришиш учун комплекснинг барча тармоқлари кучларини бирлаштириш агросаноат комплексининг асосий вазифаларидир.**

Агросаноат комплекси унинг барча даражаларида ягона бошқарилиши, планлаштирилиши ва маблағ билан таъминланиши учун зарур ташкилий-иқтисодий тадбирлар амалга оширилсин. Комплекснинг барча бўғинлари хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилишда агросаноат бирлашмаларининг роли оширилсин, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш учун уларнинг масъулияти кучайтирилсин.

Ягона агросаноат комплексида қишлоқ хўжалигининг саноатдаги тегишли тармоқлар билан, қишлоқ хўжалик фанининг эса ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви кучайтирилсин. Колхоз ва совхозларнинг қайта ишлаш саноати, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари билан бевосита алоқалари активроқ ривожлантирилсин. Шартнома мажбуриятларини бажаришда тайёрлов ташкилотлари ва хўжаликларнинг ўзаро масъулияти оширилсин.

Маҳсулотнинг сифати яхшилансин, ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг барча босқичларида нобудгарчиликка барҳам берилсин. Қайта ишлаш корхоналарини хом ашё базасига яқинлаштириб жойлаштириш такомиллаштирилсин. Ишлаб чиқаришнинг индустриал ва чиқитсиз технологиялари кенг жорий этилсин, маҳсулотни ташиш, қайта ишлаш ва сақлашни ташкил этиш яхшилансин. Энг янги холодильник техникаси жадал суръатлар билан жорий этилсин, холодильниклар тармоғи ривожлантирилсин. Комплекс тармоқларининг рефрижератор транспорти, маҳсулотни ташиш ва сақлаш учун контейнерлар билан жиҳозланиши оширилсин.

Агросаноат комплексининг моддий-техника базаси изчил мустаҳкамлаб борилсин, ресурсларни фан-техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларига жамлаб, маҳсулот ишлаб чиқаришдан тортиб, то уни истеъмолчига етказиб бергунга қадар бутун технология циклидаги танг жойларни тугатиш йўли билан унинг тармоқлари уйғун ривожланишига эришилсин. Агросаноат комплексига ажратиб бериладиган ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги анча оширилсин.

**Қишлоқ хўжалигида** асосан ривожланишнинг интенсив омиллари, илм-фан, техника ва илғор тажрибанинг энг янги ютуқларини жорий этиш, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш ҳисобига ялпи маҳсулотнинг ўртача йиллик ҳажми 14—16 процент оширилсин.

Хўжаликни юритишнинг илмий асосланган системасини изчил ўзлаштириш давом эттирилсин, ерга ишлов беришда тупроқни ҳимоя қилиш методларини қўллаш ва эрозияга қарши тадбирларни ўтказиш кенгайтирилсин. Деҳқончилик ҳосилдорлиги ва барқарорлиги анча оширилсин, шу мақсадда тупроқнинг унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишнинг интенсив технологияларини жорий этиш юзасидан комплекс тадбирлар амалга оширилсин.

Мамлакатнинг озиқ-овқат ва ем-хашак фондларини яратишнинг асоси бўлган дон етиштириш муттасил кўпайтирилсин. Буғдойнинг қаттиқ ва кучли навлари, крупабоп экинлар етиштириш кўпайтирилсин. Озуқа учун дон етиштириш структураси яхшилансин, дуккакли дон экинлари ва маккажўхорининг ялпи ҳосили анча оширилсин. Суғориладиган ерларда дон, айниқса маккажўхори етиштиришнинг гарантияланган катта зоналарини яратиш давом эттирилсин. Мамлакатнинг дончилик районлари имкониятларидан ғоят тўлиқ фойдаланилсин.

1990 йилда доннинг ялпи ҳосили 250-255 миллион тоннага, қанд лавлаги 92-95 миллион тоннага, кунгабоқар 7,4-7,5 миллион тоннага, картошка 90-92 миллион тоннага, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти 40-42 миллион тоннага, мева ва резавор экинлар ҳосили 14,5-15,5 миллион тоннага, узум 10,5-11,5 миллион тоннага етказилсин.

1990 йилда 2,8-3 миллион тонна пахта толаси, 9,1-9,4 миллион тонна пахта олиниши таъминлансин. Толаси анча юқори технология хоссаларига эга бўлган ғўза чигити экиладиган майдонлар кенгайтирилсин, пахтадан толанинг чиқиши оширилсин ва нобудгарчилиги камайтирилсин. Зиғир толаси етиштириш кўпайтирилсин, сифати яхшилансин, зиғир сомонини саноат йўли билан қайта ишлаш етиштирилган умумий ҳосил ҳажмининг 50—60 процентига етказилсин. Чой барги териш, субтропик, эфир-мойли ва бошқа экинлар ҳосили оширилсин.

Биотехнология ва ген инженериясидан фойдаланиш асосида интенсив технология талабларига жавоб берадиган ва ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирига бардошли, машинада йиғиштириб олишга яроқли ва озиқ-овқат саноати эҳтиёжларини қондирадиган қишлоқ хўжалик экинларининг янги маҳсулдор навлари ва гибридларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш ишлари кучайтирилсин. Қанд лавлагининг ширадорлигини ошириш, нобудгарчилигини тугатиш чоралари кўрилсин. Уруғчиликни йўлга қўйиш такомиллаштирилсин ва уруғлик сифати яхшилансин.

Бегона ўтлар, ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг химиявий, биологик ва агротехника усуллари комплекс қўлланилсин.

**Озуқа ишлаб чиқариш бутун чоралар билан ривожлантирилсин.** Дала ва яйлов ўтлоқларида озуқа етиштиришни интенсивлаш асосида дағал ва ширали озуқа ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Уларни парвариш қилиш, тайёрлаш ва сақлашнинг прогрессив технологиялари кенг қўлланилсин, озуқа таркиби ва сифати тубдан яхшилансин.

Беда, йўнғичқа, нўхат, кунгабоқар, соя, рапс ҳамда протеинга бой бошқа экинлар майдонини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига ўсимлик озуқа оқсили ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Озиқ-овқат ва балиқ саноатининг қўшимча маҳсулоти, шунингдек озиқ-овқат чиқиндиларидан озуқа сифатида фойдаланиш кенгайтирилсин. Ҳар бир хўжаликда озуқа сақлаш ва молларни у билан боқишга тайёрлаш учун зарур база яратилсин. Донни озуқага сарфлашни қисқартириш тадбирлари амалга оширилсин. Дондан молларни боқишда фойдаланилганда фақат қайта ишланган бўлишига эришилсин.

Озуқа базасини мустаҳкамлаш, генетика ва селекциянинг, подани сифат жиҳатидан яхшилашнинг янги биологик методлари ютуқларидан фойдаланиш асосида моллар ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги тубдан оширилсин, **чорвачилик** маҳсулоти етиштиришнинг барқарор ўсиши таъминлансин. 1990 йилда гўшт тайёрлаш (сўйилган вазнда) 21 миллион тоннага, сут — 106-110 миллион тоннага, тухум — 80-82 миллиард донага етказилсин.

Моллар ва паррандаларни ўстириш ва боқиш такомиллаштирилсин, ички хўжалик ва хўжаликлараро ихтисослаштириш ривожлантирилсин, гўшт, сут, бошқа маҳсулотлар етиштиришнинг интенсив методлари ва илғор поток технологиялари жорий қилинсин. Қўйчилик ва гўшт чорвачилигини ривожлантириш учун табиий озуқа майдонлари имкониятларидан тўлароқ фойдаланилсин, молларни яйловларда ҳайдаб боқиш кенгайтирилсин. Жун, пўстин-мўйна ва чарм хом ашёси ишлаб чиқариш кўпайтирилсин, уларнинг сифати оширилсин. Йилқичилик, буғучилик, мўйначилик, қуёнчилик, асаларичилик, ҳовуз балиқчилиги, пиллачилик ривожлантирилсин. Чорвачиликда ветеринария хизмати яхшилансин.

Озиқ-овқат ресурсларини тўлдириш мақсадида корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашилсин. Гражданларга пичанзорлар ва яйловлар ажратиб бериш, озуқа, уруғлик, ўғит, ёш моллар ва паррандалар сотиш йўли билан уларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларига мадад берилсин. Аҳолидан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишни ташкил этиш яхшилансин.

**Ерларни мелиорациялашнинг узоқ муддатли программасини** амалга ошириш давом эттирилсин. Беш йиллик мобайнида давлат капитал маблағлари ҳисобига 3,3 миллион гектар суғориладиган ер, 3,6 миллион гектар захи қочирилган ер фойдаланишга топширилсин, 8,3 миллион гектар майдонда ерларни маданийлаштириш техника ишлари бажарилсин, 5,6 миллион гектар майдонда ишлаб турган суғориш системаларининг техникавий ҳолати яхшилансин. Суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин, бу майдонларда лойиҳада мўлжалланган ҳосилдорликка эришилсин. Сув хўжалиги қурилишининг техникавий даражаси ва сифати оширилсин, суғоришнинг сувни тежовчи технологиясига ўтишни тезлаштириш, сув ресурслари ва экинзорлардан авайлаб фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин. Ерларни мелиорациялаш ва уларни қишлоқ хўжалиги йўли билан ўзлаштириш масалалари комплекс ҳал этилсин.

Сув ресурсларини регионал қайта тақсимлашнинг илмий асосланганлиги анча оширилсин. Шимолдаги дарёлар сувининг бир қисмини Волга ҳавзасига ҳамда Волгадан Дон ва Кубанга оқизиш, Днепр—Буг гидроузели ва Дунай—Днепр канали биринчи навбатининг қурилиши билан боғлиқ ишлар авж олдириб юборилсин.

Қишлоқ хўжалигини **химиялаштириш** ва органик ўғитлар қўлланишни кенгайтириш асосида тупроқ унумдорлигини ошириш ишлари планли амалга оширилсин. 1990 йилда қишлоқ хўжалигига 30-32 миллион тонна минерал ўғит, 440-480 минг тонна ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари, шунингдек камида 100 миллион тонна оҳак материаллари, шу жумладан 24 миллион тонна маҳаллий оҳак материаллари етказиб берилсин. Органик ўғитлардан фойдаланиш 1990 йилга бориб 1,5 миллиард тоннага етказилсин. Шу мақсадда торф, балчиқсимон органик чиринди ва бошқа маҳаллий ресурслардан самаралироқ фойдаланилсин. Ўғитларни сақлаш яхшилансин, уни тупроққа солиш усуллари такомиллаштирилсин, қўлланиш самарадорлиги оширилсин.

Қишлоқ хўжалигига химиявий қўшимчалар ва озуқа консервантлари, экинни ўстириш стимуляторлари ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик воситалари, турли пленкалар, полимер материаллар ва химиялаштиришнинг бошқа воситаларини етказиб бериш кўпайтирилсин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини **техника билан қайта жиҳозлаш** аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилсин. Беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалигига камида 43 миллиард сўмлик 1900 мингта трактор, 1600 мингта юк автомобили, 1770 мингта трактор прицепи, қишлоқ хўжалик машина ва ускуналари, шу жумладан чорвачилик ва озуқа етиштириш учун 17 миллиард сўмлик машина ва ускуналар етказиб берилсин. Тармоқни юқори унумли, тежамли машиналар комплекслари, ихтисослаштирилган транспорт ва юк ортиш-тушириш воситалари билан жиҳозлаш яхшилансин.

Машина-трактор паркига техника хизмати кўрсатиш ва ундан фойдаланиш анча яхшилансин, колхоз ва совхозларнинг ремонт базаси мустаҳкамлансин. Қишлоқ хўжалик истеъмолчиларини электр билан таъминлашнинг пишиқ-пухталиги оширилсин.

Қишлоқ хўжалигининг жамоат секторида меҳнат унумдорлиги 21-23 процент оширилсин.

**Саноатнинг озиқ-овқат, гўшт ва сут тармоқларида** ишлаб чиқариш ҳажмини 18-20 процент ўстириш таъминлансин.

Маҳсулот ва хом ашёни комплекс қайта ишлашни таъминловчи поток линиялар ва машина-ускуналар билан жиҳозлаш асосида шу тармоқлар корхоналарини техника билан қайта қуроллантириш тадбирлари амалга оширилсин.

1990 йилда давлат ресурслари хом ашёсидан 11,7-12,2 миллион тонна гўшт, 1,5-1,7 миллион тонна мол ёғи, 31-32 миллион тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти, 1 миллион тонна пишлоқ, 10-11 миллион тонна қанд-шакар (қанд лавлагидан), 3,7-4 миллион тонна ўсимлик ёғи ва 16-18 миллиард шартли банка мева-сабзавот консерваси ишлаб чиқарилсин.

Гўшт ва гўшт ярим фабрикатларини қадоқланган ва ўралган ҳолда ишлаб чиқариш кўпайтирилиб, бу маҳсулотларни сотишнинг умумий ҳажмида уларнинг ҳиссаси 40-45 процентга етказилсин. Сутни қайта ишлашни ва сут маҳсулотлари турини кенгайтиришни ошириш ҳисобига сутдан озиқ-овқат мақсадида фойдаланиш яхшилансин. Оз миқдорда қадоқланган мураббо, компот, шинни ва шарбат ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш тадбирларини изчил амалга ошириш мақсадида ликер-арақ, вино ва спирт саноати корхоналарининг бир қисми аҳоли эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқаришга ўтказилсин.

**Балиқ саноатида** 1990 йилда овқатга ишлатиладиган балиқ маҳсулоти 4,4-4,6 миллион тоннага ва балиқ консервалари ишлаб чиқариш тахминан 3 миллиард шартли банкага етказилсин. Тирик, музлатилган балиқ, ишлов берилган балиқ маҳсулоти, балиқнинг орқа гўшти, дудланган ва қуритилган балиқ етказиб бериш кўпайтирилсин. Балиқ овлаш кемаларидан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин, Жаҳон океанининг очиқ қисмидаги биологик ресурсларни саноат йўли билан ўзлаштириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш кучайтирилсин. СССРнинг денгиз районларида балиқ овлаш активроқ ривожлантирилсин. Ички сув ҳавзаларида балиқчиликни ва балиқ овлашни ташкил этиш қатъиян яхшилансин, ҳавзали балиқ хўжаликлари барпо этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар кенгайтирилсин, ҳамма жойда балиқ ресурсларини кўпайтириш имкониятларидан фойдаланилсин. Балиқни қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамлансин, балиқ овлаш флотини янгилаш жадаллаштирилсин. Балиқ саноатига балиқ излаш, овлаш ва уни қайта ишлашнинг замонавий техника воситаларини етказиб бериш кўпайтирилсин.

Саноатнинг озиқ-овқат тармоқларида маҳсулот тури кенгайтирилсин, сифати яхшилансин, қадоқланган товарлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Хом ашёни янада рационал қайта ишлаш амалга оширилсин. Болалар таоми ва парҳез таомлар маҳсулоти, витамин, оқсил ҳамда биологик ва бошқа фойдали моддалар билан бойитилган маҳсулот ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин. Ярим фабрикатлар, тез музлатилган мевалар, сабзавот ва қайта ишлашни талаб қилмайдиган тайёр овқатлар, кенг турдаги алкоголсиз ичимликлар ва уларнинг концентратларини ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Озиқ-овқат саноатида меҳнат унумдорлиги 14-16 процент, гўшт ва сут саноатида—25-28 процент, балиқ саноатида—10-12 процент оширилсин. Мазкур тармоқларда маҳсулот таннархи 3-5 процент камайтирилсин.

**Ун-ёрма ва аралаш озуқа саноатида** юқори самарали машина-ускуналар ва илғор технологияни қўллаш негизида корхоналарнинг техникавий даражаси оширилсин, беш йилликда олий сортли ун ишлаб чиқариш 1,4-1,5 баравар кўпайтирилсин.

Элеватор, дон омборларини қуриш ва ишга тушириш жадаллаштирилсин. Идоралараро кооперациялаш асосида биринчи навбатда мамлакатнинг ичкарисидаги дончилик районларида элеваторлар ва аралаш озуқа корхоналари қурилиши кенгайтирилсин. Ун ва аралаш озуқани идишларсиз, контейнерларда ва пакетларда ташишни кўпайтириш ҳисобига сермеҳнат жараёнларни механизациялаш янада юқори суръатлар билан амалга оширилсин. Аралаш озуқа сифати яхшилансин, тўйимли қўшимчалардан фойдаланиш ҳисобига уларда доннинг ялпи салмоғи камайтирилсин.

**Микробиология саноатида** беш йиллик мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш икки баравар кўпайтирилсин. Озуқа оқсили ва бошқа биологик актив моддалар ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин, биотехнология, шу жумладан газдан фойдаланишни кўпайтириш ҳисобига хом ашё базаси ривожлантирилсин. Қишлоқ хўжалигининг микробиологик синтез маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш таъминлансин. Биотехнология ва ген инженерияси соҳасида фан-техника ютуқлари активроқ жорий этилсин.

**Ўрмон хўжалигида** ўрмон ресурсларини қайта тиклаш ва улардан фойдаланиш яхшилансин, фан ютуқлари, хўжаликнинг зонал системалари, ишлаб чиқаришни химиялаш ва механизациялаштириш кенг жорий этилсин. Ўрмон фонди еридан интенсивроқ фойдаланилсин, саҳро ва ярим саҳро районларда иҳота ўрмонзорлари ва яйловларда ўрмон барпо этиш ишлари ҳажми оширилсин. Ўрмон хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек ўрмонларни ёнғиндан асраш, уларни зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш устидан назорат кучайтирилсин. Европа — Урал зонасида целлюлоза-қоғоз саноатининг доимий хом ашё базаси ривожлантирилсин.

## VII. ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, 1986—2000 йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг комплекс программасини изчил амалга ошириш билан боғлиқ хилма-хил вазифаларни ҳал этишга қўшиладиган ҳиссани кўпайтириш — истисносиз барча тармоқларнинг, барча республикалар ва мамлакат районларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.**

Келгуси беш йилликда ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш камида 1,3 баробар кўпайтирилсин. Аҳолининг газлама, кийим-кечак, пойабзал, маданий-маиший ва рўзғор (айниқса дам олиш, туризм ва спорт) товарларига ва бошқа оммавий истеъмол товарларига бўлган ҳар томонлама эҳтиёжлари янада тўлароқ қондирилсин. Аҳолининг турли группалари талабига мос келадиган турдаги товарлар тайёрлаш ва сотиш таъминлансин. Буюмлар сифати анча яхшилансин, уларнинг техникавий ва эстетик даражаси, фойдаланишда пишиқ-пухталиги оширилсин.

Юқори сифатли қурилиш материаллари, боғдорчилик-томорқа ва бошқа инвентарлар ишлаб чиқариш ва аҳолига сотишни кўпайтириш юзасидан комплекс тадбирлар амалга оширилсин.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 1,3-1,4 баравар кўпайтирилсин, хизмат сифати ва маданияти оширилсин. Қишлоқда аҳолига хизмат кўрсатиш янада юқори суръатлар билан ривожлантирилсин. Товарларга ва хизматга бўлган эҳтиёжни ўрганиш ва прогноз қилиш системаси такомиллаштирилсин, меҳнаткашлар талабларининг ўзгариб боришига ўз вақтида эътибор берилсин.

**Енгил саноатда** 1990 йилда 14-15 миллиард квадрат метр газлама, 2,2-2,3 миллиард дона трикотаж буюмлари, 900 миллион жуфт пойабзал тайёрлансин. Яхши пардозланган жун газлама 1,7 баравар, янги структурадаги шойи газлама 2 баравар, нотўқима рўзғор материаллари ишлаб чиқариш 2,3 баравар кўпайтирилсин. Болалар учун товарлар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин. Газламаларнинг бадиий безаги, тикувчилик буюмларини моделлаш ва конструкция қилиш анча яхшилансин, ёшлар ва катта ёшдаги кишилар учун кийим-кечак ва пойабзал турлари кенгайтирилсин.

(Давоми 5-бетда).

# СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши 1, 2, 3 ва 4-бетларда).

Меҳнат жараёнларини механизациялаш кенгроқ жорий этилсин, автоматлаштирилган йигирув, тўқув ва трикотаж ишлаб чиқаришлари, юқори сифатли, модабоп, бежирим кийим-кечак ва пойабзалнинг оммавий турларини чиқариш бўйича тез мослаштириладиган поток линиялар барпо этилсин.

Хом ашёдан, материаллардан, газламалардан оқилона фойдаланиш таъминлансин, химиявий тола ва иплар, айнимайдиган бўёқ ва бошқа химиявий материалларни қўлланиш кенгайтирилсин.

Меҳнат унумдорлиги 24-26 процент оширилсин, маҳсулот таннархи 3-4 процент камайтирилсин.

**Маданий-маиший ва рўзғор буюмлари** ишлаб чиқариш 1,3-1,5 баравар оширилсин. Оғир индустрия ва мудофаа саноати тармоқларининг аҳолини юқори сифатли ва хилма-хил саноат моллари, айниқса, узоқ вақт фойдаланиладиган товарлар билан таъминлашга қўшадиган ҳиссаси жиддий оширилсин.

Уй-рўзғор ишларида меҳнат сарфини камайтирувчи мураккаб маиший техникани ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилсин. Асосан унификация қилинган рўзғор холодильниклари ва музлатгичлари, кир ювиш ва тикув машиналари, бошқа замонавий рўзғор электр техникасини тайёрлашга ўтилсин. Радиоприёмниклар ишлаб чиқариш 1,3-1,4 баравар, рангли телевизор — 1,6 баравар, магнитофон — 1,3 баравар, тикув машиналари — 1,6 баравар, мебель — 1,3 баравар, боғ уйчалари — 2 баравар, рўзғор химияси товарлари — 1,4-1,6 баравар кўпайтирилсин. Шахсий ёрдамчи хўжаликларда, коллектив боғ ва томорқаларда қўлланиладиган механизация воситалари ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

**Медицина саноатида** маҳсулот ҳажми камида 1,4 баравар кўпайтирилсин. Юқори самарали дори-дармон, аввало энг кўп тарқалган касалликларни даволайдиган дори-дармон ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин, касалликларга диагноз қўйиш ва аҳолини даволаш учун энг янги прибор ва аппаратларни ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Регионал хусусиятларни ҳисобга олиб, **маҳаллий саноатни** янада ривожлантириш, унинг техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилсин. Асосий моллар турини, шу жумладан бадиий ҳунармандчилик буюмлари, маҳаллий қурилиш материаллари турини кўпайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,3-1,4 баравар оширилсин, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати яхшилансин. Меҳнатнинг касаначилик усулидан кенг фойдаланилсин. Хом ашёнинг маҳаллий турлари ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиш кўпайтирилсин.

**Хизмат соҳасини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш таъминлансин.** Аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти тубдан яхшилансин, хизмат соҳаси корхоналари ва муассасалари тармоғи кенгайтирилсин, уларнинг ишини ташкил этиш такомиллаштирилсин. Хизматдан фойдаланишда меҳнаткашларга энг кўп қулайлик яратиш учун бу хизмат турлари кўпайтирилсин. Аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин, бу тармоқларнинг корхоналарини замонавий, юқори унумли машина-ускуналар билан жиҳозлаш яхшилансин, илғор технология жараёнлари жадал жорий этилсин.

Хизмат соҳаси корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари тармоғи одамларнинг иш, ўқиш ва яшаш жойларига яқин қилиб оқилона жойлаштирилсин. Барча тармоқларнинг корхоналари ва ташкилотлари қандай ихтисослаштирилганидан қатъий назар, аҳолига барча турдаги маиший ва бошқа хизмат кўрсатишга кенг жалб этилсин.

Уй-жой-коммунал хўжалиги, маиший хизмат, пассажир транспорти, алоқа, маданият корхоналари ва муассасалари, шунингдек санаторий-курорт ва соғломлаштириш спорт ташкилотлари, ҳуқуқ хизматлари ва нотариал идоралар аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматни кенг ривожлантирсинлар. Гражданларнинг шахсий ва мулкий давлат страхованиеси ривожлантирилсин, омонат кассалари кўрсатадиган хизмат кенгайтирилсин.

Аҳолининг транспорт воситалари, радиоэлектрон аппаратлари, рўзғор машиналари ва приборлари, мебель ва бошқа рўзғор буюмларини ремонт қилиш ва уларга техника хизмати кўрсатишга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилсин.

Кир ювиш хизмати, химиявий тозалаш корхоналари, сартарошхоналар, шунингдек бошқа хизматлар жадал ривожлантирилсин. 1990 йилда уй-жойларни ремонт қилиш ва қуриш, аҳоли буюртмаси билан бошқа қурилишларни тиклаш ҳажми камида 3 баравар оширилсин. Бу мақсадларга пудратчи қурилиш ташкилотлари жалб этилсин. Йилига камида 1 миллионта боғ ва томорқа участкалари ажратилсин ҳамда уларни ободонлаштириш юзасидан зарур ҳажмда пулли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилсин.

Туристик-экскурсия муассасаларининг аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми оширилсин, бу хизмат сифати яхшилансин, форма ва турлари кенгайтирилсин. Янги туристик комплекслар, меҳмонхоналар, базалар ва кемпинглар қурилиши амалга оширилсин. Аҳолининг туризм инвентарлари ва анжомларига эҳтиёжлари тўла қондирилсин. Туристик-экскурсия ташкилотларини транспорт воситалари билан таъминлаш яхшилансин.

Маданий хизматнинг янги прогрессив турлари ва шакллари ривожлантирилсин. Театрлар, кинотеатрлар, музейлар, цирклар, концерт заллари, болалар музика ва бадиий мактаблари тармоғи кенгайтирилсин. Аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг бўш вақтини ташкил этишда клуб муассасаларининг роли оширилсин.

Аҳолига барча турдаги транспорт хизмати кўрсатиш яхшилансин. Ташишнинг қулайлигига бўлган талаб тўла ҳисобга олинсин. Хизмат маданияти оширилсин. 1990 йилда умум фойдаланишдаги транспорт пассажир товар обороти 12-14 процент оширилсин.

Ишлаб турган метрополитенларни ривожлантириш ва янгиларини қуриш давом эттирилсин, Челябинск, Омск, Красноярск, Олмаота, Рига ва мамлакатдаги бошқа катта шаҳарларда метро линиялари қурилиши бошлаб юборилсин. Автобус, трамвай, троллейбус парклари ишини такомиллаштириш, уларнинг ремонт базасини мустаҳкамлаш, аввало қишлоқ жойларда пассажир транспортининг бир маромда ва аниқ ишлашини ошириш тадбирлари кўрилсин. Бу ишда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг роли оширилсин. Шаҳар ички транспортида пассажирлар ташиш ҳажми 20-25 процент кўпайтирилсин.

**Алоқа хизмати ва ахборотнинг техника воситалари жадал ривожлантирилсин.** Аҳолига телефон алоқаси хизмати кўрсатиш 1,6-1,7 баравар, шаҳарлараро автомат телефонлар миқдори 2,5-3 баравар оширилсин. Шаҳарлараро телефон алоқасини автоматлаштириш даражаси 70 процентгача оширилсин.

Беш йиллик охирига бориб амалда ҳамма жойда телевидениенинг икки программасини қабул қилиш таъминлансин. Қишлоқ жойларида кўп программали радиоэшиттириш тармоғи кенгайтирилсин. Ҳамма жойда газеталар босилиб чиққан куниёқ одатга кўра обуначиларга ва чакана савдога етказиб берилиши таъминлансин, шу мақсадда алоқа корхоналарининг техника билан жиҳозланиш даражаси оширилсин.

Йирик савдо корхоналари қурилиши ҳисобига **савдо тармоғи жойлаштирилиши** оқилона, аҳоли учун энг қулай бўлиши таъминлансин. Бу иш биринчи навбатда зарур бўладиган товарларни сотадиган ва бевосита уй-жой районларида жойлашган кичкина магазинлар тармоғини ривожлантириш билан уйғунлаштирилсин. Савдо корхоналарининг меҳнатни механизациялаш воситалари билан, хусусан товарларни қадоқлаш воситалари билан жиҳозланиши оширилсин. Чакана савдога молларни узлуксиз етказиб бериш мақсадида улгуржи савдо ташкилотлари ишини тубдан яхшилаш, уларни жойлаштиришни рационализациялаштириш таъминлансин.

Савдо хизмати маданияти оширилсин, аҳолига иложи борича қулайлик туғдирилсин. Савдонинг: ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, молларни каталоглар, намуналар бўйича сотиш, олдиндан берилган буюртма бўйича уйига етказиб бериш каби илғор усуллари ҳар томонлама ривожлантирилсин. Фирма магазинлари тармоғи, шу жумладан ишлаб чиқарувчи тармоқлар системасида бундай магазинларни ташкил этиш ҳисобига анча оширилсин. Посилка савдоси жадал суръатлар билан ривожлантирилсин.

**Умумий овқатланиш** илдам суръатлар билан ривожлантирилсин, шу тармоқнинг ишини ташкил этиш такомиллаштирилсин, унинг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин. Озиқ-овқат саноати тармоқларини кооперациялаш, ярим фабрикатлар ва кўп жиҳатдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича катта тайёрлаш корхоналари барпо этиш ва бу маҳсулотлар билан умумий овқатланиш корхоналарини марказлаштирилган ҳолда таъминлаш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг индустриал технологияси жорий этилсин. Умумий таълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ошхоналар тармоғи кўпайтирилсин. Беш йиллик охирига бориб меҳнаткашларнинг иш жойларида умумий овқатланишга бўлган эҳтиёжи қондирилиши тўлиқ таъминлансин. Тез хизмат кўрсатиш корхоналарининг ихтисослаштирилган тармоғи кенгайтирилсин. Тайёрланаётган овқат сифати анча яхшилансин.

**Матлубот кооперацияси системасида** товар ресурсларини янада кўпайтириш кўзда тутилсин, қишлоқ жойларида савдо хизмати кўрсатиш ва умумий овқатланиш яхшилансин. Ишлаб чиқаришга аҳолидан ва колхозлардан сотиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотини янада актив жалб этиш, уни қайта ишлаш ва сақлашни ҳар томонлама яхшилаш, шунингдек моллар ва паррандаларни бўрдоқига боқиш, ички ҳавзаларда балиқ урчитиш ва балиқ овлаш, хом ашёнинг маҳаллий турларидан фойдаланиш йўли билан товарлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Доривор ўсимликлар, асал, резавор, ёнғоқ, мева, сабзавот ва қўзиқорин тайёрлаш ҳажми анча кўпайтирилсин.

Қишлоқ аҳолисининг хилма-хил товарлар ва хизматга бўлган талабини қондириш жиддий яхшилансин. Шаҳарлар ва саноат марказларида шартнома нархларида сотиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотадиган магазинлар тармоғи кўпайтирилсин. Колхоз савдоси ривожлантирилсин. Колхоз бозорларининг иши яхшилансин, ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотини ташиш ва сотишда аҳолига ёрдам берилсин.

Аҳоли учун товарлар ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантиришда иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, партия, касаба союз ва хўжалик органларининг роли ва масъулияти оширилсин.

## VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

**Транспортнинг асосий вазифалари — халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ташишга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида сифатли ва тўла қондиришдан, транспорт ишининг иқтисодий самарадорлигини оширишдан иборат.**

Ана шу вазифаларни бажариш учун:

мамлакат ягона транспорт системасининг келишиб олинган тараққиёти, унинг халқ хўжалиги бошқа тармоқлари билан баҳамжиҳатлиги таъминлансин, транспорт ҳамма турлари ишини мувофиқлаштириш такомиллаштирилсин. Норационал юк ташиш бартараф этилсин. Юкларни ташиб бериш муддати қисқартирилсин ва уларнинг сақланиши таъминлансин;

илғор техника ва технологияни яратиш ҳамда жорий этиш жадаллаштирилсин. Транспортнинг янги турлари ривожлантирилсин, ҳаракатдаги состав ва бошқа техника воситаларини янгилаш суръатлари оширилсин, моддий-техника ва ремонт базаси мустаҳкамлансин;

юк ташишнинг прогрессив усуллари кенг қўлланилсин. Контейнерларда ва пакетларда юк ташиш ҳажми 1,4-1,5 баравар оширилсин, ортиш-тушириш ва ремонт ишларида комплекс механизация даражаси анча оширилсин, ҳаракат хавфсизлиги таъминлансин, транспортнинг атроф муҳитга салбий таъсири камайтирилсин.

**Темир йўл транспортида** темир йўлларда эксплуатация ишларини ташкил этиш, йўл ва ҳаракатдаги составнинг қарови ва ремонти такомиллаштирилсин, локомотивлар ва вагонларнинг унумдорлиги, юк поездларининг ўртача оғирлиги анча оширилсин. Поездларнинг ҳаракат тезлиги оширилсин, вагонларнинг обороти жадаллаштирилсин.

Темир йўлларнинг юк ўтказиш ва ташиш қуввати биринчи галда Марказий Урал, Ғарбий Сибирь, Волга бўйи, мамлакат Европа қисмининг жануби, Қозоғистон ва Ўрта Осиё билан боғлайдиган йўналишларда оширилсин. Саралаш, юк ва пассажир станцияларининг қайта ишлаш қобилияти оширилсин. Локомотив ва вагон деполари, ҳаракатдаги составни ремонт қиладиган заводлар, запас қисмлар ва стрелка ўтказгичлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни янада тараққий эттириш ва техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш жадаллаштирилсин.

2,3 минг километр узунликдаги янги темир йўллар фойдаланишга топширилсин, камида 4 минг километр узунликда иккинчи йўллар қурилсин, 8 минг километр темир йўл линиялари электрлаштирилсин. Локомотив ва вагон парклари яна ҳам пишиқ-пухта ва тежамли бўлган локомотивларнинг янги сериялари, электр ва дизель поездлари, сиғими ва юк ортиши юқорироқ бўлган юк вагонлари, қулайлиги оширилган пассажир вагонлари ва метрополитен вагонлари ҳисобига янгилансин ва тўлдирилсин. Ҳозир фойдаланилаётган паркларда махсус вагонларнинг салмоғи 1,3-1,4 баравар оширилсин. Юк вагонлари паркини роликли подшипникларга ўтказиш тугаллансин.

Юк ташиш ҳажми 8-10 процент ва пассажир обороти 7-9 процент кўпайтирилсин. Ташишда банд бўлган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги 10-12 процент оширилсин.

**Денгиз транспортида** флотдан, порт ва кема ремонти заводларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш анча яхшилансин. Портлар ва заводларни ривожлантириш давом эттирилсин. Флот юқори унумли, тежамли махсус кемалар билан тўлдириш ҳисобига янгилансин. Музёрар ва музёрар-транспорт флоти ривожлантирилсин. Лихтеровоз ва паром кемаларда контейнерлар ва пакетларда юк ташиш ҳажми кўпайтирилсин. Ташқи савдо юкларини ташишнинг самарадорлиги оширилсин.

**Дарё транспортида** юк ташиш ҳажми 9-11 процент оширилсин. Сибирь ва Узоқ Шарқ дарёларида ҳамда кичик дарёларда юк ташишни янада юксак суръатларда кўпайтириш таъминлансин. Кўп юк ортилган шатакка олинган составларда, «дарё—денгиз» типидаги биргаликда сузадиган кемаларда юк ташиш ривожлантирилсин. Магистрал дарёларда кафолатли қатнов даври узайтирилсин.

Дарё флоти тежамли, ўзи юрмайдиган кемалар, буксирлар, биргаликда сузадиган кемалар ҳамда қулай пассажир кемалари ҳисобига янгилансин. Портлар, кема ремонти заводларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш давом эттирилсин, бу ишлар аввало, Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида давом эттирилсин. Дарё кемалари, порт ва заводларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш тубдан яхшилансин.

**Ҳаво транспортида** янги юқори самарали магистрал пассажир самолётлари ва ўртача миқдорда юк оладиган юк самолётларидан фойдаланила бошлансин. Граждан авиацияси Арктика ва Антарктика шароитида, маҳаллий ҳаво йўлларида, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва махсус ишларда қўлланишга мўлжалланган ҳаво кемалари билан таъминлансин. Тегишли автоматлашган системалар жорий этишни жадаллаштириб, учишни бошқариш ягона системасини такомиллаштириш давом эттирилсин. Пассажир обороти 17-19 процент оширилсин, ёнилғининг солиштирма сарфи 3-5 процент камайтирилсин.

**Автомобиль транспортида** автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин, бунга биринчи навбатда прицеплар ва ярим прицепларни кенгроқ қўлланиш, унумсиз бекор туриб қолишларни қисқартириш, автомобилларнинг бўш қатнашини ва норационал юк ташишни камайтириш ҳисобига эришилсин. Марказлаштирилган юк ташиш ривожлантирилсин ва такомиллаштирилсин. Умум фойдаланишдаги автомобиль транспортининг устун даражада ривожланиши таъминлансин.

Автомобиль паркининг структураси яхшилансин. 1990 йилда дизель двигатели билан ишлайдиган автомобилларнинг юк обороти 60 процентга етказилсин. Газ баллонли автомобилларни қўлланиш анча кенгайтирилсин. Газ заправка станцияларининг қурилиши жадаллаштирилсин. 1990 йилда 1985 йилга нисбатан бензин ва дизель ёнилғисини 18-20 процент тежаш таъминлансин. Автокорхоналар сиғими каттароқ бўлган ва қулайлиги оширилган автобуслар билан тўлдирилсин. Автотранспорт воситаларини агрегат усули билан ремонт қилиш кенгайтирилсин.

Юк ташиш 18-19 процент ва умум фойдаланишдаги автобус паркининг пассажир обороти 14-16 процент оширилсин.

**Йўл хўжалигини,** биринчи навбатда қишлоқ жойларида янада ривожлантириш давом эттирилсин. Беш йилликда 167 минг километр қаттиқ қопламали автомобиль йўллари қурилсин ва реконструкция қилинсин. Бунинг 75 минг километри умум фойдаланишдаги йўллар ва 92 минг километри қишлоқ ички хўжалик аҳамиятидаги йўллар бўлиши керак. 1990 йилга бориб колхоз ва совхозларнинг марказий қўрғонларини районларнинг маъмурий марказлари билан боғловчи автомобиль йўллар қурилиши асосан тугаллансин. Умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилишга корхоналар, ташкилотлар ва колхозларнинг моддий, меҳнат ва молиявий ресурслари кенг жалб этилсин. Автомобиль йўлларининг эксплуатация сифатлари, уларнинг пассажирлар ва ҳайдовчиларга хизмат кўрсатиш объектлари, автотранспортга техника хизмати кўрсатиш пунктлари билан жиҳозланиши анча яхшилансин.

**Трубопровод транспортида** газ транспорти тармоқлари ва нефть маҳсулотларини юбориш қувурлари, истеъмолчиларгача етиб борадиган шохобчалар қурилиши бирмунча кўпайтирилсин. Маъдан концентратлари ва кўмирни трубопроводларда гидротранспорт билан юбориш ишлари кучайтирилсин.

**Саноат транспортини** комплекс ва мутаносиб тарзда тараққий эттириш таъминлансин. Саноат транспортининг конвейер, пневмоконтейнер, канат-осма ва бошқа узлуксиз ҳамда ихтисослашган турларини қўлланиш кенгайтирилсин.

**Алоқа** хизмати кўрсатиш ҳажми 26-28 процент оширилсин. Фан ва техниканинг энг янги ютуқлари негизида мамлакат алоқа хизматининг ягона автоматлаштирилган тармоғини тараққий эттириш ва унинг пишиқ-пухталигини ошириш давом эттирилсин.

## IX. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

**Капитал қурилишнинг асосий вазифаси — ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва социал вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган халқ хўжалигининг асосий фондларини яратишдан ва уларни жадал янгилашдан, қурилиш ишлаб чиқаришининг самарадорлигини тубдан оширишдан иборат.**

Беш йилликда халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш 18-21 процент ва пудрат ишлари ҳажми 15-16 процент оширилсин.

**Капитал маблағларнинг самарадорлиги** оширилсин, уларнинг қайта ишлаб чиқариш ва технология структураси такомиллаштирилсин. Моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари, аввало, ишлаб турган корхоналарни техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга ҳамда фан-техника тараққиётини белгилайдиган объектлар қурилишига ва социал вазифаларни ҳал этишга жамлансин.

Ўн иккинчи беш йилликда объектларни қуриш ва ишга тушириш норматив муддатларда бўлиши таъминлансин. Бирваракайига қурилаётган объектлар сони анча камайтирилсин. Бошлаб қўйилган қурилишлар ва тугалланмаган қурилишлар ҳажми норматив даражасида бўлсин. Ўрнатилмаган ускуналар запаси анча камайтирилсин. Ишлаб чиқариш объектлари қурилиши ишлаб турган корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан тўла фойдаланилаётганида ҳамда қурилиш мўлжалланаётган районда меҳнат ресурслари билан таъминланганида, шунингдек янги районлар ўзлаштирилаётганида ва бу қурилиш принцип эътибори билан янги технология жорий этилиши учун зарур бўлганида бошлансин. Ишга туширилаётган қувват бирлигига ҳисоблаганда қурилиш баҳоси камайтирилсин. Қурилиш сифати анча оширилсин.

Ишлаб чиқариш объектлари қурилиши комплекс тарзда амалга оширилсин, лойиҳаларда қурилиши кўзда тутилган уй-жой, социал-маданий ва маиший объектлар ўз муддатида қурилиб, ишга туширилиши сўзсиз таъминлансин.

**Қурилиш ишлаб чиқариши бундан буён ҳам индустрлаштирилсин,** бу жараён объектларни заводда тайёрланган қисмлардан тиклашнинг ягона саноат-қурилиш процессига аста-секин айланишига эришилсин. Қурилишларга инженерлик ва технология ускуналари йирик блоклар шаклида комплект тарзда етказиб берилишига ўтилсин. Қурилиш ва монтаж ишлари, айниқса, ишлаб турган корхоналар реконструкция қилинаётган шароитда комплекс механизацияни таъминлайдиган илғор технология, машина ва механизмлар системасини яратиш ва жорий этиш жадаллаштирилсин. Пардозлаш ишларидаги анъанавий сермеҳнат иш жараёнлари замонавий индустриал методлар билан алмаштирилсин. Қўлда бажарилаётган ишлар ҳажми тахминан 25 процент қисқартирилсин. Қурилиш министрликлари корхоналарида махсус қурилиш техникаси ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин.

Қўлланилаётган қурилиш материалларининг структураси яхшилансин, металл прокати, пластмассалар, смола, полимерлар, ёғоч, керамика ва бошқа нометалл материаллардан тайёрланадиган янги буюмларнинг самарали турларидан фойдаланиш кенгайтирилсин.

**Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш** яхшилансин. Қурилиш-монтаж ташкилотларини йириклаштириш йўли давом эттирилсин, бошқарувнинг ортиқча бўғинлари қисқартирилсин, қувватлар ва объектларнинг ўз вақтида ишга туширилиши ва хўжалик фаолиятининг натижалари яхшиланиши учун қурилиш-монтаж трестларининг мустақиллиги кенгайтирилиб, уларнинг жавобгарлиги оширилсин. Меҳнатнинг илғор форма ва усуллари кенг жорий этилсин, бригада пудрати равнақ топсин, бригадалар йириклаштирилсин, уларнинг ишини ташкил этиш такомиллаштирилсин. Ноабод ва олис районларда объектларни энг қисқа муддатларда барпо этиш учун қурилиш ташкилотларининг илдамлиги оширилсин.

Лойиҳа ва қурилиш ташкилотларининг қурилиш маҳсулоти илмий-техникавий даражаси учун жавобгарлиги оширилсин. Ишлаб турган корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишдан ана шу ташкилотларнинг манфаатдорлиги оширилсин.

**Лойиҳа-смета ишини такомиллаштириш** давом эттирилсин. Қурилишнинг техника-иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги, лойиҳа ҳужжатларининг сифати оширилсин, бу иш учун лойиҳа ташкилотларининг, экспертиза органларининг жавобгарлиги кучайтирилсин. Лойиҳаларда прогрессив илмий-техникавий ютуқлардан, ресурс ва энергияни тежаб қолиш имконини берадиган технология ва ускуналардан, тежамли ҳажмий планлаштириш ечимлари, конструкциялари, материалларидан, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор методларини, маҳсулот бирлигига кетадиган моддий, ёнилғи-энергетика ва меҳнат ресурслари сарфини қадам-бақадам камайтиришга имкон берадиган омиллардан фойдаланиш кўзда тутилсин. Шу асосда ўн иккинчи беш йиллик лойиҳаларида қурилиш смета қийматининг солиштирма кўрсаткичларини камайтириш амалга оширилсин. Шу жумладан, халқ хўжалигидаги қурилиш-монтаж ишларининг таннархи ўрта ҳисобда 4-5 процент камайтирилсин.

Архитектура ва шаҳарсозлик ечимларининг сифати яхшилансин. Лойиҳа ва қидирув ташкилотларининг ихтисослашуви ривожлантирилсин, авторлик назорати кучайтирилсин. Саноат ва граждан объектларини лойиҳалаштиришда автомат системалар кенг қўлланилсин.

Қурилишда меҳнат унумдорлиги 15-16 процент оширилсин.

## X. СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШ, ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

**Халқ фаровонлигини янада ошириш, совет кишиларининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўлиқ қондириш таъминлансин.** Социал тадбирларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлиги ўсишига таъсири кучайтирилсин.

Истеъмол даражаси изчил ошириб борилсин ва структураси такомиллаштирилсин, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари билан таъминлаш яхшилансин. Беш йиллик мобайнида чакана товар обороти ҳажми 18-22 процент оширилсин.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик **иш ҳақи** 13-15 процент оширилсин ёки 215-220 сўмга етказилсин. Меҳнатга ҳақ тўлаш системасининг самарадорлиги оширилсин. Ходимларни мукофотлаш миқдори уларнинг меҳнатга қўшган ҳиссаси билан узвий уйғунлаштириб олиб борилсин, сунъий тенглаштириш элементлари қатъият билан тугатилсин, ишдаги камчилик ва нуқсонлар учун моддий ва маънавий жавобгарлик кучайтирилсин.

Бажариладиган ишларнинг мураккаблиги ва шарт-шароитларини ҳисобга олиб, халқ хўжалиги тармоқлари, шунингдек меҳнаткашларнинг турли категориялари бўйича иш ҳақи миқдори нисбати яхшилансин. Инженерлик меҳнатининг жамоат эътирофи ва обрў-эътибори оширилсин. Мастерлар, конструкторлар ва технологларнинг роли ва обрў-эътибори оширилсин, уларнинг меҳнати ва ишга ижодий муносабатини моддий ва маънавий рағбатлантириш кучайтирилсин.

Халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларида зарур шарт-шароитлар яратилгани ва ресурслар қидириб топилгани сари босқичма-босқич ишчи ва хизматчиларнинг тариф ставкалари ва мансаб окладлари ошириб борилсин. Ўқитувчилар ва халқ маорифининг бошқа ходимлари маошини ошириш юзасидан бошлаб юборилган тадбирлар ниҳоясига етказилсин, соғлиқни сақлаш ходимлари маошини босқичма-босқич ошириш бошлаб юборилсин. Илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик, технология ва лойиҳалаш ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш такомиллаштирилсин, улар маошининг янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этишдан олинадиган самара билан алоқаси кучайтирилсин.

Иш ҳақини районлар миқёсида тартибга солиш такомиллаштирилсин.

Иккинчи ва учинчи сменалардаги ишларда банд бўлган ишчи ва хизматчиларни моддий рағбатлантириш кучайтирилсин, корхоналар ва ташкилотлар маблағлари ҳисобига бундай ходимларга имтиёз ва афзалликлар бериш кенгайтирилсин.

Меҳнатни нормалаштириш анча яхшилансин, унинг меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш формаларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган иш билан, иш жойларини аттестациядан ўтказиш билан маҳкам боғланиши таъминлансин. Техникавий жиҳатдан асосланган нормалар ва нормативларни қўлланиш кенгайтирилсин, янги техникани, илғор технологияни жорий этишни ва меҳнатни ташкил қилишни ҳисобга олиб, бу норма ва нормативлар мунтазам қайта кўриб чиқилсин.

**Колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ўртача ойлик ҳақ** 18-20 процент **оширилиши таъминлансин,** унинг ошиши қишлоқ хўжалик маҳсулотининг кўпайтирилиши, сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлиги билан боғлаб олиб борилсин.

**Ижтимоий истеъмол фондлари** 20-23 процент **кўпайтирилсин,** социал ва иқтисодий вазифаларни ҳал этишда улардан оқилона фойдаланилсин. Ижтимоий истеъмол фондларини тақсимлаш формалари такомиллаштирилсин. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда юксак натижаларга эришаётган меҳнат коллективлари учун уй-жойга, дам олиш шароитларини яхшилаш, мактабгача болалар муассасалари ва бошқа социал неъматларга бўлган эҳтиёжини қондиришда имтиёзли имкониятлар берилсин.

**Болали оилаларга ёрдам кўрсатиш кенгайтирилсин, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароити яхшилансин.** Оналар учун мамлакат районларига қараб болани парвариш қилишга қисман пул тўланадиган отпуска миқдори босқичма-босқич оширилсин. Ҳомиладор аёллар учун ихтисослаштирилган профилакторийлар тармоғи ривожлантирилсин.

Уй-жой кооперативларига кириш ва индивидуал уйлар қуришда ёш оилаларга имтиёз ва афзалликлар бериш кенгайтирилсин.

Болаларни мактабгача тарбия муассасалари билан таъминлаш проблемаси яқин йиллар ичида ҳал этилсин, уларда болаларни тарбиялаш шароити яхшилансин. Тахминан 3 миллион ўринли мактабгача болалар муассасалари қурилсин. Куни узайтирилган мактаб (группа)лар, пионер лагерлари, пионер ва ўқувчиларнинг саройлари (уйлари), спорт мактаблари ва бошқа болалар муассасалари тармоғини ривожлантириш давом эттирилсин.

Уруш ва меҳнат ветеранлари, меҳнатга яроқсиз гражданлар ва ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари тўғрисида ғамхўрлик кучайтирилсин. **Пенсия таъминоти яхшилансин.** Ишчи ва хизматчиларга ёши ва инвалидлиги учун тўланадиган пенсияларнинг минимал миқдори, колхозчиларга илгари белгиланган пенсиялар миқдори янада оширилсин. Пенсионерларга социал-маиший хизмат кўрсатиш яхшилансин. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг ёлғиз кекса ва меҳнатга яроқсиз гражданларга уйда хизмат кўрсатиши кенгайтирилсин. Кексалар ва инвалидларнинг интернат-уйлари тармоғи кенгайтирилсин, уларни ободонлаштириш даражаси оширилсин, бундай интернат-уйларда овқатланишга, дори-дармон ва бошқа эҳтиёжларга сарф нормалари оширилсин. Бу муассасаларнинг иш сифати тубдан яхшилансин.

Давлат заёмларининг ҳақини тўлаш давом эттирилсин.

Аҳолининг реал даромадини ошириш вазифаларига биноан **чакана нархлар сиёсати** изчил олиб борилсин. Давлат чакана нархлари ва тарифлари системаси такомиллаштирилсин, уларда ижтимоий зарур харажатлар, буюмлар ва хизматнинг сифати ҳамда истеъмол хусусиятлари тўлароқ акс эттирилсин. Турли группадаги товарларда нархнинг иқтисодий ва социал асосланганлик нисбати таъминлансин. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб борган ва таннархи камая борган зарур товарлар ва молия ресурслари жамғарилиб боргани сари баъзи товарларнинг нархи камайтириб борилсин. Нарх интизомига риоя этилиши устидан қатъий давлат ва жамоат контроли амалга оширилсин.

Совет кишиларининг **уй-жой шароити** яхшилансин. Умумий майдони 565-570 миллион квадрат метр саҳнда уй-жой қурилсин. Квартираларнинг планировкаси такомиллашган, янги, тежамли типовой лойиҳалар бўйича уй-жой қуриш кўпайтирилсин. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари қурилишининг комплекс характерда бўлиши таъминлансин.

Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг меҳнатга қўшадиган ҳиссасига биноан вужудга келадиган уй-жой қурилиши ва социал-маданий тадбирлар фондлари маблағлари ҳисобига меҳнаткашларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш имкониятлари анча кенгайтирилсин.

Кооператив ва индивидуал уй-жой қурилиши жадал ривожлантирилишига кўмаклашилсин. Меҳнаткашларнинг уй-жой қурилиш кооперативларига кириш ва корхоналарнинг ўз маблағи, кредит ва фондлари ҳисобига индивидуал қурилишни амалга ошириш имкониятлари кенгайтирилсин. Корхоналар ва ташкилотлар уларга ёрдам кўрсатсин.

(Давоми 6-бетда).

# СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши 1, 2, 3, 4, 5 ва 6-бетларда).

**Молдавия ССР**да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 22—25 процент кўпайтирилсин. Агросаноат комплексини ривожлантириш давом эттирилсин. Унинг самарадорлиги оширилсин. «Плодсельхозмаш» ва «Молдсельхозмаш» заводлари қурилиши, Бендери шойи комбинати реконструкцияси ниҳоясига етказилсин. Сороки шаҳрида қудуқлар учун геофизика аппаратлари, Единици шаҳрида иссиқликни ўлчагич ва сувни ўлчаш асбоблари ишлаб чиқарадиган заводлар қурилсин. Газлама, трикотаж буюмлари, консерва ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 15—17 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда сабзавот етиштириш 1,5 миллион тоннага, узум етиштириш 1,8 миллион тоннага, мева ва резавор етиштириш 1,7 миллион тоннага, сут етиштириш 1,4—1,5 миллион тоннага, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 350—360 минг тоннага етказилсин, гибрид маккажўхори уруғини реализация қилиш 70 минг тоннага, кунгабоқарни эса 10 минг тоннага етказилсин. Беш йиллик мобайнида 150 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин.

**Латвия ССР**да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш электрон, электр-техника, химия саноати ва алоқа воситалари саноати илдам ривожлантирилгани ҳолда 13—16 процент кўпайтирилсин. Юқори сифатли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ривожлантирилсин, балиқ маҳсулоти турлари кўпайтирилсин. Енгил саноат ва қурилиш индустрияси корхоналарини техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш давом эттирилсин. Даугавпилс ГЭСида дастлабки энергоблоклар, Рига шаҳрида саноат роботлари заводининг биринчи навбати ишга туширилсин, «Сарканайс металлургс» заводини реконструкция қилиш авж олдириб юборилсин. Республика хўжалигини газлаштириш жадаллаштирилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 12—14 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда дон етиштириш 2,3 миллион тоннага, картошка етиштириш 1,8 миллион тоннага, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 360—370 минг тоннага, сут етиштириш 2—2,2 миллион тоннага етказилсин. Беш йиллик мобайнида камида 260 минг гектар зах ерларнинг захи қочирилсин.

Денгиз транспорти ва балиқ овлаш флотини ривожлантириш давом эттирилсин. Порт хўжалиги мустаҳкамлансин. Санаторий-соғломлаштириш муассасалари ва «Юрмала» курорти инфраструктура объектлари қурилиши жадаллаштирилсин.

**Қирғизистон ССР**да электр энергетика, рангли металлургия, электрон ва енгил саноатни жадал ривожлантирган холда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 21—24 процент кўпайтирилсин. Тошкўмир ва Шамолдисой ГЭСлари ишга туширилсин, Фрунзе 2-ТЭЦи ва Тошкўмир ярим ўтказгич материаллари заводида иссиқлик қувватлари фойдаланишга топширилсин. Қамбарота ГЭСи ва Сарижаз кон-бойитиш комбинати қурилиши авж олдириб юборилсин. Қирғизистон олтин руда комбинати қурилиши ниҳоясига етказилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 13—15 процент кўпайтирилсин. Яйловларни мелиорациялаш йўли билан чорвачиликнинг озуқа базаси мустаҳкамлансин. 1990 йилда гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 220—230 минг тоннага, сут етиштириш 850—860 минг тоннага, тухум етиштириш 640 миллион донага, жун қирқиш 40 минг тоннага етказилсин, умумиттифоқ фондига қанд лавлаги уруғлиги етказиб бериш 15 минг тоннага, беда уруғлиги етказиб бериш 6,5—7 минг тоннага етказилсин. Беш йиллик мобайнида 85 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин. Сарижаз дарёсининг сув ва энергетика ресурсларидан комплекс фойдаланиш ишларига киришилсин.

**Тожикистон ССР**да электр энергетика, химия, енгил ва озиқ-овқат саноати, машинасозликни илдам ривожлантирган холда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 23—26 процент кўпайтирилсин. Жанубий Тожикистон территориал-ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш таъминлансин. Роғун ГЭСида янги қувватлар ишга туширилсин ва Сангтўда ГЭСи қурилиши бошлаб юборилсин, Ёвон электрохимия заводи қурилиши давом эттирилсин ва Тожикистон алюминий заводи қуриб битказилсин. Тожикистон олтин руда комбинати қурилиши ва Кўлоб шаҳрида аккумулятор ишлаб чиқарадиган завод қурилиши авж олдириб юборилсин. Конибодом, Кўлоб шаҳарлари ва Файзиобод районида йигирув-тўқув фабрикалари қурилсин. Помир ГЭСи ва Қўрғонтепа—Кўлоб темир йўли қурилиши бошлаб юборилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик хажми 12—14 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда пахта толаси ишлаб чиқариш 290 минг тоннага (пахта етиштириш 910 минг тоннага, шу жумладан ингичка толали нав пахта етиштириш 320 минг тоннага), гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 140—143 минг тоннага, сут етиштириш 630—640 минг тоннага, тухум етиштириш 710—720 миллион донага етказилсин. Боғ ва токзорлар майдонлари кенгайтирилсин. Шаҳар атрофида сабзавот—сут етиштириш зоналари бунёд қилиш асосан ниҳоясига етказилсин. Тоғ ва тоғ ёнбағри районларида озиқ-овқат учун картошка етиштиришнинг барқарор базаси яратилсин. Беш йиллик мобайнида 55 минг гектар ерларга сув чиқарилиб, Данғара чўли ва Бешкент водийсидаги ерларни ўзлаштириш давом эттирилсин.

**Арманистон ССР**да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 24—26 процент кўпайтирилсин. Бир қанча ишлаб турган машинасозлик, химия ва енгил саноат, рангли металлургия, қурилиш материаллари саноати корхоналари реконструкция қилиниб, техника жиҳатдан қайта қуроллантирилсин ва кенгайтирилсин.

Арманистон атом электр станциясининг иккинчи навбати қурилиши, Варденис—Жермук темир йўли қурилиши авж олдирилсин. Автомат манипуляторлар, махсус технология машина-ускуналари учун олдиндан программалаштирилган топшириқ берувчи аппаратлар, гидроускуналар ишлаб чиқарувчи заводлар, шунингдек Кафан шаҳрида трикотаж газламаси фабрикаси қурилсин. Трикотаж ва чарм пойабзал ишлаб чиқарадиган қувватлар кенгайтирилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 12—14 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда дон етиштириш 330 минг тоннага, сабзавот етиштириш 500 минг тоннага, узум етиштириш 350 минг тоннага, мева ва резавор етиштириш 240 минг тоннага, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 130 минг тоннага, сут етиштириш 625 минг тоннага, тухум етиштириш 680 миллион донага етказилсин. Суғориш системалари реконструкция қилинсин, беш йиллик мобайнида 35 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин.

**Туркманистон ССР**да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 20—23 процент кўпайтирилсин. Минерал ўғит ишлаб чиқариш 2,6 баравар оширилсин, газ қазиб олиш 86 миллиард куб метрга етказилсин. Нефть ва газ бўйича геология-қидирув ишлари кучайтирилсин Электр энергетика, енгил ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик жадал ривожлантирилсин. Мари ГРЭСи қуриб битказилсин, Чоржўй нефтни қайта ишлаш заводини ишга тушириш жадаллаштирилсин, Тошовуз шаҳрида графитланган электродлар заводининг биринчи навбати ва Туркманистон қаттиқ қотишмали буюмлар заводи қурилиши авж олдириб юборилсин, калийли ўғитлар ишлаб чиқарадиган Ўрта Осиё заводи қурилишига киришилсин. Шарқий Туркманистон территориал ишлаб чиқариш комплексини бунёд этиш юзасидан тадқиқот ва лойиҳа ишлари давом эттирилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 12—14 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда пахта толаси ишлаб чиқариш 398 минг тоннага (пахта етиштириш 1300 минг тоннага, шу жумладан ингичка толали нав пахта етиштириш 370 минг тоннага), сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш 900 минг тоннага, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 120 минг тоннага, сут етиштириш 380 минг тоннага, тухум етиштириш 390 миллион донага, жун қирқиш 14—15 минг тоннага, ем-хашак етиштириш 5,3 миллион тонна озуқа бирлигига етказилсин.

Беш йиллик мобайнида 106 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин. Қорақум канали зонасида сув хўжалиги қурилиши ва ерларни комплекс ўзлаштириш давом эттирилсин.

**Эстония ССР**да сланецни қайта ишлаш ва электрон саноати ҳамда приборсозликни илдам суръатлар билан ўстирган холда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 13—16 процент кўпайтирилсин. Маданий-маиший ва рўзғор моллари ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. «Куремяэ» сланец шахтаси қурилиши бошлаб юборилсин. Янги Таллин денгиз порти қуриб битказилсин. Виреши—Таллин газопроводи қурилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 12—14 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда ем-хашак етиштириш 4,4 миллион тонна озуқа бирлигига, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 245—250 минг тоннага, сут етиштириш, 1,4 миллион тоннага етказилсин. Бекон чўчқачилиги ривожлантирилсин. Беш йиллик мобайнида 85 минг гектар захкаш экинзорларнинг захи қочирилсин.

## XIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги иқтисодий кенгаши қарорларини изчил амалга ошириш асосида қардош социалистик мамлакатлар билан ўзаро хўжалик алоқалари бутун чоралар билан такомиллаштирилсин ва кенгайтирилсин. Энг муҳим халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишда, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслигини ҳамда унинг жаҳондаги позицияларини мустаҳкамлашда социалистик иқтисодий интеграция имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш таъминлансин.

Фан, техника, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, капитал қурилиш соҳаларида йирик проблемаларни биргаликда самарали ҳал этиш, шунингдек ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашни, ўзаро савдо-сотиқни ва ҳамкорликнинг бошқа турларини ривожлантиришнинг янги формалари ва имкониятларини қидириб топиш мақсадида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ва икки томонлама асосда иқтисодий ва илмий-техника сиёсати қардош мамлакатлар билан келишиб олинсин. Иқтисодий ва социал ривожланиш планларини координациялаш тўлиқ амалга оширилсин. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан биргаликда Вьетнам Социалистик Республикасига, Куба Республикасига ва Монголия Халқ Республикасига ижтимоий ишлаб чиқаришни тез ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, уларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини кенгайтиришда интернационал ёрдам кўрсатиш давом эттирилсин.

Коллектив суратда ишлаб чиқилган қарорларни ҳисобга олиб, илғор техника, технология ва материалларни вужудга келтириш ҳамда жорий этиш соҳасида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан кооперациялаш кенг ривожлантирилсин. Бирлашмалар ва корхоналар бу ишга актив жалб этилсин, шу жумладан қардош мамлакатлардаги корхоналар билан бевосита ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантириш, шунингдек биргаликда корхоналар вужудга келтириш йўли билан бу ишга жалб этилсин. Ўзаро етказиб бериладиган буюмларнинг техника-иқтисодий даражаси ва сифати бутун чоралар билан оширилсин. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида стандартлаштириш ва унификациялаш кенгайтирилсин.

Бир қатор йирик кўламли лойиҳаларни: Ямбург—СССР ғарбий чегараси магистрал газ қувури, атом электростанциялари ва иссиқлик билан таъминловчи атом станциялари, Кривой-Рог кон-бойитиш комбинатини қуриш, Каспий бўйи паст текислигидаги нефть-газ конларини ўзлаштириш, ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлаштирилган энергия системаларини янада кенгайтириш лойиҳаларини Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан биргаликда амалга ошириш таъминлансин. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини ривожлантириш, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини жиҳозлар билан қайта таъминлаш, халқ истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини ўзаро етказиб беришни кенгайтириш соҳасидаги тадбирлар амалга оширилсин. Ёқилғи ва хом ашёдан оқилона фойдаланиш ва уларни ҳар томонлама тежаш, ишлаб чиқаришнинг энергия ва материал сарфини камайтириш, энергиянинг янги манбаларини ўзлаштириш юзасидан қардош мамлакатлар билан келишиб олинган тадбирлар амалга оширилсин.

Ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик чуқурлаштирилсин. Саноат объектларини қуришда, транспортни ривожлантиришда, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ерларни ирригациялаш, минерал хом ашё ва ёқилғи запасларини геологик жиҳатдан қидириш, миллий кадрларни тайёрлашда ҳамда бошқа соҳаларда бу мамлакатларга ёрдам берилсин ва бу билан ана шу мамлакатларда табиий бойликларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва товар ресурсларини кўпайтиришга, уларнинг миллий экономикасини тиклаш ва ривожлантиришга, мустақиллик ҳамда тараққиёт йўлидан илгарилаб боришига кўмаклашилсин. Бу мамлакатлар билан келишиб олинган ва узоқ муддатга мўлжалланган савдо, иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар программаларини изчил амалга ошириш давом эттирилсин.

Манфаатдор капиталистик мамлакатлар билан ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли барқарор савдо, иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар ривожлантирилсин, улар билан ҳамкорлик формалари такомиллаштирилсин.

Чет мамлакатлар билан савдо структураси, аввало, машиналар, ускуналар ва юксак даражада қайта ишланган бошқа маҳсулотлар сотишни кўпайтириш ҳисобига яхшилансин.

## XIV. ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Халқ хўжалигини бошқаришни янада такомиллаштириш амалга оширилсин.** Планлаштириш, иқтисодий воситалар ва омилларнинг, бошқарув ташкилий структураларининг узвий бирлиги ва ўзаро самарали таъсирини таъминлаши лозим бўлган бошқарув ва хўжалик юритиш системаси комплекс тарзда ривожлантирилсин. Бу система ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг интенсив омилларидан фойдаланиш сари кескин бурилиш ясашга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, ижтимоий эҳтиёжларни тўлароқ қондиришга қаратилсин.

Ўн иккинчи беш йилликда экономиканинг ҳамма тармоқлари хўжалик юритишнинг янги методларига кўчирилсин.

Халқ хўжалигини бошқаришда марказлаштирилган ягона раҳбарликни хўжаликни юритишнинг ҳамма босқичларида ташаббускорлик, ижодий активлик ва юксак масъулият билан бирга қўшиб олиб борадиган демократик централизм изчил такомиллаштирилсин ва ривожлантирилсин. Меҳнаткашлар ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб этилсин.

Халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда марказлаштирилган асос мустаҳкамлансин. Хўжаликни бошқарувчи юқори бўғинларнинг куч-ғайратлари, аввало, социал-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга, халқ хўжалиги пропорцияларини такомиллаштиришга, асосий илмий-техникавий вазифаларни амалга оширишга, бирлашмалар ва корхоналарнинг ишлаши учун энг яхши шароитларни яратиб беришга қаратилсин. Бошқарув тармоқ органларининг иш савияси оширилсин.

Иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларининг, халқ депутатлари Советларининг ҳуқуқлари кенгайтирилсин, иқтисодий ва социал ривожланиш масалаларини ўз вақтида ва тўғри ҳал этиш учун уларнинг масъулияти оширилсин.

Меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонунининг қоидаларини изчил амалга ошириш таъминлансин, планларни ишлаб чиқишда, ишлаб чиқариш-хўжалик ва социал характердаги вазифаларни ҳал этишда уларнинг роли кучайтирилсин.

Хўжалик юритишнинг сиёсий ва хўжалик раҳбарлиги бирлиги, юксак уюшқоқлик, ишчанлик, омилкорлик, интизом, ҳар бир кишининг топширилган иш учун шахсий масъулияти каби энг муҳим ленинча талабларга асосланган социалистик услуби ҳамма жойда қарор топтирилсин.

Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамлансин, маҳкамачилик ва маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий кураш олиб борилсин. Маъмуриятчилик усулини қўлланиш, майда-чуйда ишларга аралашиш ҳамда бирлашмалар ва корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг хўжалик фаолиятини асоссиз равишда белгилаб беришга йўл қўйилмасин.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан планлаштириш ва хўжалик юритишнинг илғор тажрибасини баҳам кўриш яхшилансин.

**Асосий ишлаб чиқариш бўғини** — илмий ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда корхоналарининг **роли оширилсин**, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари узвий бирлиги таъминлансин. Бирлашмалар ва корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги, уларнинг ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш ва такомиллаштириш ҳамда планлаштиришдаги имкониятлари анча кенгайтирилсин.

Бирлашмалар ва корхоналарнинг ишнинг пировард натижалари, маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятларни бажариш, ресурсларнинг ҳамма турларидан яхшироқ фойдаланиш учун иқтисодий масъулияти оширилсин. Хўжалик механизми меҳнат коллективларини ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини жадаллаштиришга ва унинг самарадорлигини оширишга, янги техникани жорий қилишга, технологияни доимо такомиллаштириш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга энг кўп даражада йўналтирилишига эришилсин.

Бирлашмалар ва корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнат ҳақини тўлаш ва социал масалаларни ҳал этиш учун оладиган маблағларнинг миқдори улар бажарадиган хўжалик фаолиятининг пировард натижаларига тамомила боғлиқ бўлиши таъминлансин. Бирлашмалар ва корхоналар ихтиёрида қолдириладиган маблағлардан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва социал вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланишда меҳнат коллективларига катта мустақиллик берилсин. Бирлашмалар ва корхоналарнинг фондлари ҳамда банкларнинг кредитлари ҳисобига амалга ошириладиган тадбирлар учун зарур материал-техника ресурсларини биринчи навбатда ажратиб бериш кўзда тутилсин.

Социалистик мусобақани ташкил этиш ва унинг формалари такомиллаштирилсин, бу мусобақа ишда юксак натижаларга эришишга йўналтирилсин.

**Планлаштиришнинг илмий даражаси оширилсин.** Планлаштиришнинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни тезлатишга, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг прогрессив структурасини шакллантиришга, уни интенсивлашга, балансли ва пропорционал ривожлантиришга, ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалидан самарали фойдаланишга кўрсатадиган таъсири оширилсин. План топшириқлари фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланиши, янги техника ва технологияни кенг қўлланиш асосида ҳар бир тармоқни ривожлантиришни таъминлаш учун зарур тадбирлар амалга оширилсин.

Узоқ муддатли прогноз қилиш билан перспектив ва жорий планлаштириш ўртасидаги ўзаро алоқалар мустаҳкамлансин. Давлат планларини ишлаб чиқиш вақтида СССРнинг илмий-техника тараққиёти комплекс программасини ва СССР ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштиришнинг бош схемаси тўла-тўкис ҳисобга олинсин. План ҳисоб-китобларининг автоматлаштирилган системаси кенг қўлланилсин.

Ҳамма босқичларда хўжалик фаолиятини ташкил этишда беш йиллик планларининг роли оширилсин. План интизоми мустаҳкамлансин. Бошқарувнинг ҳамма бўғинларида зарур ишлаб чиқариш ва молия резервлари вужудга келтирилсин.

Планлаштиришда прогрессив иқтисодий нормативлар системаларини жорий этиш таъминлансин. Бошқарув ва планлаштиришнинг ҳамма босқичларида норматив методлардан кенг фойдаланилсин.

План кўрсаткичлари системаси такомиллаштирилсин, уларни пировард халқ хўжалиги натижалари сари йўналтириш кучайтирилсин, меҳнат, моддий ва молия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, маҳсулотнинг сифати ва уни янгилаш миқёсларини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг аҳамияти оширилсин.

Тармоқ, территориал ва программавий планлаштиришнинг бирлиги таъминлансин. Ўзаро боғлиқ тармоқларни планлаштириш даражаси оширилсин. Территорияларни комплекс, иқтисодий ва социал ривожлантиришни планлаштириш яхшилансин.

Мамлакатнинг марказий илмий-иқтисодий органи бўлмиш СССР Госпланининг роли ва масъулияти оширилсин. Йирик иқтисодий районлар ва территориал-ишлаб чиқариш комплексларининг хўжалигини планлаштириш такомиллаштирилсин.

Материал-техника таъминотининг умумдавлат системаси ривожлантирилсин ва такомиллаштирилсин, маҳсулот етказиб бериш интизомига риоя қилиш, хом ашё, материаллардан, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тежамли ҳамда оқилона фойдаланишни таъминлаш учун таъминот органларининг масъулияти оширилсин.

Истеъмолчининг маҳсулот техника даражаси ва сифатига таъсир кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилсин, узоқ муддатли хўжалик алоқалари ва улгуржи савдо ривожлантирилсин.

**Иқтисодий воситалар ва рағбатлантириш омилларининг таъсирчанлиги оширилсин.** Бошқарувнинг иқтисодий методлари роли кучайтирилсин, ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўғинларида хўжалик ҳисоби мустаҳкамлансин. Хўжалик ҳисобидаги ўзаро муносабатлар беш йиллик план топшириқлари асосига ҳамда бирлашма ва корхоналар ихтиёрида қолдириладиган маблағ миқдорини уларнинг иш натижалари билан мувофиқлаштириб белгилаб қўйиладиган иқтисодий нормативлар асосига тобора кўпроқ даражада қурилсин. Беш йиллик планни бажариш жараёнида шу нормативларнинг барқарорлиги таъминлансин. Меҳнат коллективининг аъзоларини моддий рағбатлантириш учун ўз маблағидан фойдаланишда бирлашма ва корхоналарнинг имкониятлари кенгайтирилсин.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ва иқтисодий тежашни ўтказишда, асосий фондларни янгилашда, оборот маблағнинг айланишини жадаллаштиришда, ишлаб чиқаришнинг таннархини камайтириш ва рентабеллигини оширишда иқтисодий воситаларнинг роли анча кучайтирилсин. Амортизация ажратмаларидан фойдаланиш нормалари ва тартиби қайта кўриб чиқилсин.

Нарх-наво системаси такомиллаштирилсин. Нархларда ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичлари, ижтимоий зарур меҳнат сарфи даражаси тўлиқроқ акс эттирилсин. Халқ хўжалигида молия-кредит муносабатлари ривожлантирилсин, тўлов интизоми мустаҳкамлансин.

Ресурслардан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланишда, хўжасизликка ва исрофгарчиликка қарши, социалистик мулкнинг сақланиши учун курашни кучайтиришда ҳисоб-китоб, статистика ва контролнинг роли оширилсин. Контрол-ревизия иши яхшилансин.

Бошқарувнинг ҳамма поғоналарида ва халқ хўжалигининг барча бўғинларида **бошқаришнинг ташкилий структураси такомиллаштирилсин.** Халқ хўжалиги тармоқларини ва саноатни бошқаришнинг бош схемаларига аниқлик киритилсин ёки зарур жойларда янги бош схемалар ишлаб чиқилсин, уларда бошқарувнинг асосан икки бўғинли системасига ўтиш кўзда тутилсин. Иттифоқдош республикаларнинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни эътиборга олиниб, уларнинг халқ хўжалигини бошқариш структураси яхшилансин.

Ўзаро боғлиқ тармоқлар группаларини бошқариш органлари тузилсин. Тармоқлараро бошқарув формалари такомиллаштирилсин. Хўжалик юритишнинг янги методлари жорий этилишини, бирлашма ва корхоналарнинг ҳуқуқлари кенгайтирилишини эътиборга олиб министрликлар ва идораларнинг функциялари ҳамда структурасига аниқлик киритилсин. Уларнинг бутун куч-ғайрати тармоқларни ривожлантириш истиқболларини белгилашга, энг муҳим пропорцияларни шакллантиришга, ягона фан-техника ва инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиб, амалга оширишга қаратилсин. Давлат планларининг бажарилиши, тармоқларнинг замонавий техника даражасида комплекс ривожланиши, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш масалалари самарали ҳал этилиши, халқ хўжалиги ва аҳолининг тармоқ маҳсулотига эҳтиёжлари қондирилиши учун министрликларнинг масъулияти оширилсин. Министрлик ва идораларнинг иш услуби ҳамда методларини яхшилаш чоралари кўрилсин.

Илмий-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш бирлашмалари ривожлантирилсин, уларнинг фан-техника бўлинмалари мустаҳкамлансин. Зарур ҳолларда илмий-техникавий ва хўжалик вазифаларини ҳал этишни жадаллаштириши лозим бўлган тармоқлараро бирлашмалар тузилсин. Йирик, ўртача ва чоғроқ ихтисослаштирилган корхоналарнинг энг мақбул тарзда монанд ҳолга келтирилиши таъминлансин.

Бошқарув аппарати ишининг самарадорлиги оширилсин, бошқарув органларининг ҳуқуқлари ва вазифалари янада аниқ чегаралаб қўйилсин, ортиқча бўғинлар тугатилсин, ишдаги қайтариқ ва параллелизмга барҳам берилсин, бошқарув меҳнатининг ташкил этилиши ва техника билан таъминланиши яхшилансин.

Ишлаб чиқаришда ва бошқарувда қатнашувчи ходимлар сонининг энг мақбул нисбатига эришилсин. Бошқарув аппарати анча соддалаштирилсин ва арзонлаштирилсин. Кундалик масалалар оперативроқ ҳал этилсин, марказий бошқарув органлари майда ва иккинчи даражали масалаларни кўриб чиқишдан холи қилинсин. Ишдаги расмиятчилик ва бюрократизм қатъиян тугатилсин, инструкциялар ва кўрсатмалар кескин камайтирилсин.

Хўжалик ва социал-маданий қурилишни бошқаришда **республика ҳамда маҳаллий органларнинг роли ва масъулияти оширилсин.** Аҳолининг эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ тармоқларни планлаштириш ва бошқаришда шу органларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилсин.

Иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларининг ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг фаолияти такомиллаштирилсин, ўзларига қарашли территорияда экономика комплекс ривожланишини, меҳнат, хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишни, ишлаб чиқаришни кооперациялашни, хўжаликнинг самарадорлигини ўстиришни таъминлашда уларнинг роли оширилсин. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг тегишли территорияда жойлашган бирлашма, корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқлиги кучайтирилсин.

Айниқса, олий ва ўрта бўғин хўжалик раҳбар кадрлари ва мутахассисларини тайёрлаш системаси янги талабларга мувофиқ яхшилансин. Замонавий илмий, техникавий ва иқтисодий билимлар билан бир қаторда кенг билим доирасига, ташкилотчилик қобилиятларига, вазифаларни аввало умумдавлат манфаатлари нуқтаи назаридан ҳал эта олиш маҳоратига эга бўлган кадрлар тайёрлансин. Раҳбар кадрлар ва мутахассисларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва қайта тайёрлаш яхшилансин, кадрларга нисбатан талабчанлик оширилсин.

* * *

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари — зўр сиёсий аҳамиятга молик ҳужжатдир. Унда белгиланган жуда муҳим марраларга эришиш совет кишиларининг фаровонлиги сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилишини, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати янада мустаҳкамланишини таъминлайди.

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан КПСС белгилаётган ишларнинг миқёслари улуғвордир. Асосий йўналишларни турмушга татбиқ этиш партиядан, ишчилар синфидан, колхозчи деҳқонлардан, меҳнаткаш зиёлилардан кўп куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади, бу иш умумпартия, умумхалқ иши бўлиб қолиши керак.

Ҳозирги энг муҳим вазифа — КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларига мувофиқ ишда тубдан ўзгариш ясашга эришишдан, хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларида бурилиш қилишдан—камроқ чиқим билан юксакроқ марраларга эришиб, мамлакат ихтиёридаги ҳамма нарсалардан — вужудга келтирилган қудратли иқтисодий ва илмий-техник потенциалдан, жамики мавжуд резервлар ва имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишдан иборат. Юксак натижаларга эришишни таъминлаш, хўжаликни омилкорлик билан юритиш— меҳнат коллективларига, партия, совет ва хўжалик органларига, марказдаги ва жойлардаги барча жамоат ташкилотларига нисбатан қўйилаётган ҳозирги талабларнинг моҳиятидир. Ҳар бир бирлашма ва корхонада, цех ва ишлаб чиқариш участкасида энг оз қўшимча чиқимлар билан энг кўп натижа олиш мумкин бўлган бўғинлар белгилаб чиқилиши керак.

Аввало, инсон омили, одамларнинг имкониятлари замирида юксак уюшқоқликни, интизом ва тартибни таъминлаш замирида яшириниб ётган энг катта, аслида битмас-туганмас резервни тўла-тўкис ишга солиш лозим.

Белгиланган планларнинг амалга оширилиши учун коммунистлар, партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият тушади, улар омманинг сиёсий жўшқинлигига ва ғайрат-шижоатига бошчилик қилишлари, унинг ташаббусини ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари керак. Иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари шу мақсадда сиёсий ва ташкилотчилик ишини кенг қулоч ёйдиришлари, мавжуд резервлардан самарали фойдаланишга, жуда қаттиқ иқтисодий тежашни йўлга қўйишга, ҳамма жойда хўжалик юритишнинг ленинча услубини жорий қилишга интилишлари, ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир меҳнат коллективи ижодий ва тўла самарадорлик билан ишламоғи учун тарбиявий ишни активроқ олиб боришлари лозим. Кадрларни ишчанлик руҳида сабот билан тарбиялаш, одамларнинг иқтисодий фикрлашини ва психологик кайфиятини янгича ишлайдиган қилиб қайта қуриш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш муҳимдир.

Халқ депутатлари Советлари хўжалик ва социал-маданий қурилиш соҳасидаги ўз ҳуқуқларидан тўлиқроқ фойдаланишлари зарур. Касаба союзлари социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдиришлари, план топшириқлари тўла ва ошириб бажарилиши учун, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ва турмуш шароитлари яхшиланиши, ходимларнинг касб-кор ва умумий маданий савияси оширилиши учун сабот билан курашишлари, илғор тажрибани кенг оммалаштиришлари, ишлаб чиқариш ва социал масалаларни ҳал этишда меҳнат коллективларининг ролини оширишга кўмаклашишлари керак. Ленин комсомоли ёшларнинг шижоатини ва жўшқин ғайратини ўртага қўйилган вазифаларни амалга оширишга сафарбар қилиши лозим.

Халқ контроли давлат интизомини турли тарзда бузиш ҳоллари, хўжасизлик, меҳнатсиз даромад топиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қаттиқ тўсиқ қўйиши керак.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари — меҳнаткашлар, барча совет кишилари учун конкрет ҳаракат программасидир. У — партиянинг мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, етилган йирик фан-техника ва хўжалик вазифаларини халқ фаровонлигини янада юксалтириш ва жамиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш манфаатларини кўзлаб ҳал этиш юзасидан берган директивасидир.

Белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг ўзи учунгина аҳамиятли бўлиб қолмай, шу билан бирга катта халқаро аҳамиятга ҳам эга бўлади, социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга, турли ижтимоий тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципини янада қарор топтиришга хизмат қилади, социализм ғояларининг жозиба кучини янада кўпроқ оширади, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

КПСС Марказий Комитети партиянинг ўн иккинчи беш йиллик ва 2000 йилгача бўлган давр учун қўйган мақсадларига эришилади, деб қатъий ишонч билдиради. Натижада социализмнинг ижодий кучлари янада тўлиқроқ намоён бўлади, Совет Ватанимиз янада бадавлат ва қудратлироқ бўлиб қолади. Совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнати, партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги бунинг гаровидир.

